

Р. Ш. Алимсаева, Е. Е. Велькер

# ҘАДИЙ МЕХНАТ

Умумтаълим мактабларининг  
9-синф ўқувчилари учун

**ДАРСЛИК**  
(қизлар учун нусха)

Қазоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тавсия этган



KELESHEK  
2030  
КОКШЕТАУ

УҮТ 373  
КБТ 74.263  
A44

**A44 Алимсаева Р. Ш., Велькер Е. Е.**  
**Бадий мәхнат:** умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун дарслык (қызлар учун нұсха) / Р. Ш. Алимсаева, Е. Е. Велькер. – Кокшетау: Келешек-2030, 2019. – 112 б.

ISBN 978-601-317-487-7

УҮТ 373  
КБТ 74.263

Дарслыкнинг электрон нұсхасы: <http://keleshek-2030.kz/books/ht9duz.php>

ISBN 978-601-317-487-7

© «Келешек-2030» ЖЧШ, 2019

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

-  – амалий иш
-  – изланиш
-  – тадқиқот
-  – якка тартибда ишлаш
-  – гурұхда ишлаш
-  – саволлар ва топшириқлар
-  – хавфсизлик техникаси қоидалари
-  – тақдимот

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	5
<b>Манзарали-амалий санъат</b>	6
§ 1. Қозогистоннинг анъанавий тўқимачилик санъати.	
Қозоқ гиламлари. Шолча.	8
§ 2. Гиламдўзлик. Гобелен. Замонавий гилам намуналари.	14
§ 3. Гилам тўқиши материаллари ва асбоб-ускуналари.	18
§ 4. Буюм эскизини ясаш. Материаллар ва асбоб-ускуналарни тайёрлаш	20
§ 5. Ижодий иш бажариш. Буюмни безатиш	22
§ 6. Тақдимот. Кўргазма ташкиллаштириш	28
<b>Дизайн ва технология</b>	32
§ 7. Мода оламидаги замонавий услубий йўналишлар (мустақил тадқиқот)	34
§ 8. «Мода ва якка шахс мувофиқлиги» эксперименти.	
Шахсий имидж ясаш. Фояларни амалга ошириш	38
§ 9. Визаж воситалари, соч турмаги ва аксессуарлар ёрдамида шахсий қиёфа яратиш	40
§ 10. Шахсий имидж яратиш учун либос / аксессуарлар коллекциясини ясаш эксперименти	42
§ 11. Тақдимот	52
§ 12. Сода геометрик шаклли «FAST CLOTH» услубидаги кийимлар (пончо, кейп, туника) дизайни	56
§ 13. Кийим ва аксессуарларни замонавий ишлаб чиқариш	58
§ 14. Эскиз. Фояни амалга ошириш.	
Материаллар ва асбоб-ускуналарни тайёрлаш	60
§ 15. Буюмни ясаш. Қисмларни бичиш	62
§ 16. Якка қисмларга ишлов бериш.	
Қисмларни бириттириш ва буюмни безаш	68
§ 17. Бажарилган ишни таҳлил қилиш, баҳолаш. Тақдимот	74
<b>Үй маданияти</b>	76
§ 18. Интерьер / экстерьердаги ландшафт элементлари	78
§ 19. Ижодий фояни визуаллаш	84
§ 20. Интерьерни байрамона безатиш	88
<b>Хавфсизлик қоидалари</b>	92
<b>Луғат</b>	95
<b>1-илова</b>	100
<b>2-илова</b>	106
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	110
<b>Қўшимча адабиётлар рўйхати</b>	111

## КИРИШ

Қадрли ўқувчилар!

Ушбу ўқув йилида сиз манзарали-амалий санъат билан танишишни давом этасиз. Қозоқ халқининг анъанавий тўқимачилик санъати, қадимий ва замонавий гиламлар ҳақида билиб оласиз. Тўқувчилик санъатининг турли усуллари ва техникасини ўзлаштирасиз, ижодий ишингиз учун бадиий материалларни танлайсиз.

«Дизайн ва технология» бўлимидан ўзлаштириш давомида моданинг замонавий услублари билан танишасиз. Ижодий ғояларни тадқиқ этиш ва ривожлантириш учун турли ахборот манбаларини мустақил равишда танлаб, визаж, соч турмаги, аксессуарлар ёрдамида шахсий имиджингиз ва фақат ўзингизга хос бўлган қиёфани яратиш бўйича вазифаларни бажарасиз. Ўз имиджингиз учун кийим-кечак коллекциясини яратиш, аксессуарлар танлаш бўйича тажриба ўтказасиз. Оддий геометрик шаклдаги кийимлар, замонавий лиbosлар ва аксессуарлар ишлаб чиқариш ҳақида билиб оласиз. Турли материаллардан фойдаланиб, эскиз асосида буюм ясайдиз.

«Ўй маданияти» бўлимида интеръер ва экстеръердаги ландшафт элементлари ҳақидаги билимларингизни кенгайтириб, мактаб олдидаги ер майдонини кўкаламзорлаштириш бўйича лойиҳа тузишни, ўқув хонасини байрамона безатишни ўрганасиз.

Дарсликдаги қўшимча адабиётлар рўйхати, лугат ва илова иш мобайнида сизнинг беминнат ёрдамчиларингизга айланади.

Турли фаолият соҳаларида ўзингизни синааб кўриб, нималарга қизиқишингизни билиб оласиз ва келажакда танлайдиган касбингиз бўйича аниқ қарорга келасиз.

Умид қиласизки, дарслик сизга содик дўст ва ёрдамчи бўлиб қолади, чунки унинг саҳифаларида сиз жуда кўп қизиқарли ва фойдали маълумотларни топишингиз мумкин. Ушбу билим ва кўникмалар келажакда сиз учун фойдали бўлсин!


Бадиий меҳнатни ўрганиш ва ўзлаштиришда сизга омад тилаймиз!

Муаллифлар

# **МАНЗАРАЛИ-АМАЛИЙ САНЪАТ**

**Бўлимни ўзлаштириш натижасида:**

- манзарали-амалий санъатнинг ривожланиш тарихи ҳақидаги билимларингиз кенгаяди;
- гилам тўқиши техникаси ва усулларини ўрганасиз;
- гилам тўқишидаги нақшлашнинг хусусиятлари билан танишасиз;
- ижодий қобилиятларингизнинг, қарорларингизнинг ўзига хослиги-ни намойиш қиласиз;
- дарс жараёнида ўрганганларингиз асосида мустақил ижодий иш бажарасиз;
- ижодий иш учун керакли материаллар ва ишлаш техникасини мустақил равишда аниқлайсиз, танлайсиз ва уларни мувофиқлаштирасиз;
- ижодий буюм ясаш мобайнида қозоқ ҳалқининг миллий маданияти элементларидан фойдаланасиз;
- ижодий ишнинг бажарилиши кетма-кетлигини тўғри режалаштирасиз;
- шу кунгача ўзлаштирган тажрибаларингизга таяниб, асбоб-ускуналардан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига амал қилишга тобора одатланасиз;
- ўз ишингиз ва бошқалар ишини таҳлил қилиш, баҳолаш малакаларингизни оширасиз;
- ўз ишингизни онлайн тарзда мустақил тақдим эта оласиз.



М. Мұқанов «Икковлон» (гобелендан фрагмент)

## § 1. ҚОЗОҒИСТОННИНГ АНЪАНАВИЙ ТҮҚИМАЧИЛИК САНЪАТИ. ҚОЗОҚ ГИЛАМЛАРИ. ШОЛЧА

### Түқимачилик Тоқымашылық Ткачество Weaving



Тукли пазириқ гилами  
Э.а. V–IV аа.

*Айтишларича, Форс гилам түқимачилигидаги аъло маҳсулот I Хусрав подшонинг «Кўклам гилами» дейилади. Унинг бўйи 122 метр, эни 30 метр бўлган экан. Гилам VI асрда форсларнинг Араб ярим оролини босиб олиши ва римликлар устидан галаба қозониши шарафига тўкилган.*

*Гиламда кўкламда қийғос гуллаган боғ тасвири гўзал тарзда олтин ва кумуш толалар билан тўқилиб, қумматбаҳо тошлар билан зийнатланган.*

Қозоқ гиламлари ҳақида  
нималарни биласиз?

Амалий санъат доимо халқ маданиятигининг ажралмас қисми бўлиб келган. У халқнинг турмуш тарзини, феъл-авторини, донолигини акс эттирган, ўтмишнинг ифодаловчиси ва давом эттирувчиси бўлган.

Гилам тўқиши санъати минг йилдан зиёд бой ривожланиш тарихига эга бўлиб, одамзот жониворларнинг жунига ишлов бериб, уни турмушда фойдаланишини ўргангандавран бошлаб мавжуддир.

Қадимги Миср ёдгорликларида тўқиши дастгоҳларининг расмлари сақланган. Ушбу тасвиirlар эрамиздан аввалги XIV асрга оид деб ҳисобланади.

Археологик ва этнографик манбалар гилам ишлаб чиқаришнинг асосий ҳудудлари Туркия, Форс (ҳозирги Эрон), Кавказ, Туркистон, Афғонистон, Покистон, Непал, Ҳиндистон ва Хитой бўлганлигини далиллади. Қўлда тўкилган гиламлар шунингдек Испанияда ҳам ишлаб чиқарилган. Дастлабки гилам маҳсулотларининг қачон ишлаб чиқарилгани маълум эмас. 1949 йилда Олтойнинг Пазириқ водийсидаги скиф тепалигида юргизилган қазилмаларда тукли гилам топилган. Эрамиздан аввалги V–IV асрларга мансуб бўлган бу пазириқ гилами бугунга қадар сақланган энг қадимий қўлда тўкилган гилам ҳисобланади.

Гилам тўқиши усууллари турли хил бўлиб, уларнинг сонини аниқлаш мумкин эмас.



Одатда ишлаб чиқариш усули, материаллари ва шу сингариларга күра гилам маҳсулотларини ажратишга имкон берадиган таснифлашнинг бир неча асосий принциплари мавжуд. Гиламлар эволюцияси ижтимоий, иқтисодий ва маданий интилишлар таъсирида давом этди. Сунній иплар ва бүёклар ихтироси, маҳсулдорлиги юқори бўлган машиналарнинг яратилиши гиламларни оммавий искеъмол бозорига олиб келди. Жамиятнинг жадал ривожланишига ва илмий-техникавий тараққиётга қарамасдан, замонавий гилам ўзига хослигини сақлаб қолди.

Кўлда түқилган гиламлар бугунги кунда ҳам ҳақиқий санъат асари ҳисобланади.




Босилган пазириқ гиламинынг қайта тиклашдан аввалги ва кейинги кўриниши. Э.а. V–IV аа.

*Гиламдўзлик – қозоқ халқининг бадиий ифодасидир. Үнда халқ тарихи ва маданиятининг хусусиятлари ўз аксини топган. Гилам устидаги гўдак илк қадамини боссан. Гилам келин сепининг доимий таркибий қисми бўлган. Гилам маҳсулотлари қадрли меҳмонларга совға қилинган, улар уйнинг асосий безаги сифатида хизмат қилган.*



Басқур. Декоратоив боғич



Хуржун

Гилам тўқиши – қозоқ халқининг энг қадимий хунарларидан бирийдир. Унинг тарихи беш минг йилдан зиёд вақтга чўзилади.

Бугунги кунда қадимий гилам маҳсулотларининг яхши сақланиб қолган намуналари дунёдаги энг машхур музейлар коллекцияларидаги фахрли ўрин эгаллайди. Қозоқ тўқима буюмларининг шакллари ва мавзуси узлуксиз такомиллашган ҳолда узоқ вақт давомида шаклланиб келди.

Гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш асосан аёллар томонидан амалга оширилган. Эрта ёшдаги қизлар бу ишни бувилари, оналари ва катта опаларидан ўрганганлар.

Тўқимачилик ва у билан боғлиқ бўлган барча ҳатти-ҳаракатлар қадимги даврларда анъанавий урф-одатлар билан бирга давом этган.



Турли ахборот манбалаидан фойдаланиб, қозоқ халқининг тўқув жараёни билан боғлиқ бўлган анъаналари ва урф-одатлари ҳақида гапириб беринг.

Тўқиши бошлашдан олдин хонадон бекаси гилам тўқишига ҳозирлик кўради. Тўқиши жараёни жун тайёрлашдан бошланган. Ювиб, куритилган жун тозаланади, сифатига кўра ажратилади: қалин жунлар асос учун фойдаланишига, юмшоқ жунлар эса туклар учун мўлжалланади. Гилам тайёрлашда қўй ва туяниг баҳорда қирқилган момик жуни фойдаланилган.

Ип мустаҳкам бўлиши учун унга озгина миқдорда кузда қирқилган жун қўшилган. Иплар кўлда, урчук ёрдамида тайёрланган.

Тўкиш учун тузилиши мураккаб бўлмаган тик ва кўндаланг тўкув дастгоҳларидан (өрмек) фойдаланилган.

Буюм устида ишлаш вақтида қариндош-уруглар, қўни-қўшнилар, дўсту биродарлар иштирок этиб, ёрдам берганлар, байрамона овқатланиш (*кілем той*, *кілем қўру*) маросимини ўтказишган.

Гилам тўкиш кенг тарқалган ҳунарлардан бири. Биргалашиб гилам тўкиш жараёнида уста тўкувчиликлар ўзаро тажриба алмашгандар, ижодий муносабат пайдо бўлган, бир-бирларига ёрдамлашгандар ва бу қизиқарли жараён байрамона тус олган.

Тукли гилам, тақир гилам, шолча, басқур, боғич, пойандоз (дөдеге), хона ўртасига солинадиган гилам (*туырлыққас*), таңғиши каби турли гилам буюмлари уста тўкувчиликлар қўлидан чиқсан.



Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, қозоқ халқининг тўқима буюмлари (қозоқ гиламларининг босилган ва тўқилган турлари, уларни тайёрлаш усуллари) ҳақида мақола ёки тақдимот тайёрланг. Дарс давомида ўз ишингизни таништиринг.



Тикка тўкув дастгоҳи

Тўкув дастгоҳининг ўлчами тўқиладиган маҳсулот ўлчамига боғлиқ ҳолда аниқланган.



Кўндаланг дастгоҳ

## Гилам Кілем Ковер Carpet



Түкли гилам



Тақир гилам. Фрагмент



Жундан босилган кигиз гилам.  
Фрагмент

Қозоқ халқининг жундан босилған, ўриб түқилған хилма–хил гиламлари бор. Уларни ўрилишига, рангига, тайёrlаш усулига кўра бир неча гурухларга бўлиш мумкин.

Жундан босилған (кигиз) гиламлар – *текемет*, *сырмақ*, *тұсқиіз* – қўй жунидан тайёrlанади.

Түқилған гилам буюмлари жун, пахта, ипак ёки синтетик толалардан тайёrlанади. Тайёrlаш пайтида асосий ип билан кўндаланг тасмани бир жойда ўриш қоидаси қўлланади. Тўкиш маҳсус дастгоҳда бажарилади.

Тақир гиламлар тик ва кўндаланг тўкиш дастгоҳларида бажарилади. Иш жараёнда икки ип(арқоқ) – бўйлама ва кўндаланг иплар қўлланилади.

Тукли гиламлар тугунлаш усули билан кўндаланг дастгоҳда тўкиллади, шу сабабли улар тўқима гилам дейилади. Асосий (желі), тугун (тук) ясаш, тугунни мустаҳкамлаш (арқау) деб аталадиган учта ип ишлатилади. Нақшлар расмда тасвирланганидай, оқимдаги ипга мустаҳкамланган тугунлардан пайдо бўлади.



1. Қозоқ нақшларининг турлари ва уларнинг мотивини (оҳсанг) тадқиқ этинг.

2. Гиламлар тасвирини кўриб чиқинг ва ҳунармандлар томонидан қандай нақш мотивлари қўлланилганини аниқланг.

*Бешкашта* техникаси бўйича тўқилган гиламларнинг композицион тузилиши (икки томони чегараланган ва ўртаси бироз очиқ) тукли гиламга ўхшайди. Унинг нақши штрих чизиқча, учбурчак, синик чизик, мугузсимон ромблар ва бошқа майда геометрик шакллардан иборат.

Гиламдўз уста рангли ипларни усталик билан илмоқлаб арқоқлади. Шунинг учун ҳам рангли жунлар билан тўқилган буюмлар кашталангандай кўринади. Шу сабабли «бешкашта гилам» деб аталган. Ундаги ранглар уйғулиги ўзига хос. Одатда, фон ва нақш учун ўхшаш ёки икки хил ранг фойдаланилади. Нақшларни яққол кўрсатиш учун акс ранглар билан тўлдирилади.



1. Гилам тўқиши ҳунари ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавҳа ва тақдимотларни қараб чиқинг.
2. Гилам тўқишининг бугунги кунга қадар ривожланиш тарихи билан танишинг.
3. «Гилам – даврлар тарихи» мавзусида эссе ёзинг.

Шолча – ранг-баранг тилимлардан ясалган туксиз гилам маҳсулоти бўлиб, палоснинг бир туридир. Тўкув дастгоҳида шолчага мўлжалланган эни 30–50 см бўлган тилимлар тўқилган.

Шолча Қозогистоннинг барча ҳудудларида тўқилган.

*Қозоқ халқининг турмушида шолча одатда, ерга тўшалган, гилам эса деворга илинган.*



Шолча. Фрагмент

*Шолчанинг ўлчами ихтиёрий олиниади ва тилимлар (тасма) сонига боғлиқ бўлади. Шолча нақшли ва нақшсиз, тақрорланувчи тилимлар қатори ёки рангли катакчали бўлади.*

*Чеварлар нақшлари ва ранглари турли хил бўлган тилимларни мөҳирона бириктириб, рангларининг уйғулиги ва бой композицияси билан ажralиб турадиган буюмлар яратишади.*



1. Замонавий интерьеरда қозоқ гиламларининг қандай турлари учрайди?
2. Қозоқ миллий гиламлари композициясининг ўзига хослиги нимадан иборат?
3. Сизнингча, бизнинг замонимизда уйда тўқиши анъаналари сақланиб қолганми?

## § 2. ГИЛАМДҮЗЛИК. ГОБЕЛЕН. ЗАМОНАВИЙ ГИЛАМ НАМУНАЛАРИ

### Гиламдүзлик санъати Кілем тоқу өнері Ковроткачество Carpet weaving

Қурсбек Тинибеков гобелен тайёрлашнинг анъанавий услубини қайта тиклади ва Қозогистонда бутурдаги манзарали-амалий санъатнинг асосчиси ҳисобланади.

У қозоқ гобеленлари санъатини бутун дунёга кашф этди. Унинг кўплаган ишлари А. Қастеев номидаги Давлат музейида сақланмоқда. Устознинг анъаналарини Батима Заурбекова, Алибай Бапанов ҳамда Сауле Бапанова, Малик Муқанов, Фазиз Ешкенов ва бошқалар давом эттириб келмоқда.



Қ. Тинибеков



Қандай сабабларга кўра бугунги кунда гиламдүзлик санъатига бўлган талаб ортиб бормоқда?

Вақт ўтиши билан гилам ишлаб чиқариш технологияси деярли ўзгармади. Асос ипларини рангли арқоқ иплар билан маълум бир тартибда ўриш орқали текис юзага эга бўлган гилам тайёрланади.

Қўлда тўқилган рангдор кигиз – гобеленда гилам тўқиш техникасининг барча усуслари қўлланилади. Тақир гилам-гобеленни тўқиши учун асос ип билан кўндаланг ип чалиштириб олинади. Кўндаланг ип гиламнинг чиройли чиқишига хизмат қиласди.

Катта гобелен тайёрлаш учун рассомлар энг аввало турли хил кичик эскизлар ясайдилар. Кейин ватман қоғози ёки текис матога керакли катталикдаги намунасини туширадилар.

Тайёр намунани бўяйдилар ёки калава ип рангини рақам билан белгилайдилар. Контур чизиқлари аниқ кўриниши учун тушь ёки фломастер билан чизиб чиқадилар. Тўқиши пайтидаги қалин иплар чегара чизиқларини, ингичка иплар эса рангларни кўрсатади.

Замонавий қозоқ гобеленлари – бу бадиий, қизиқарли ва истиқболли ҳунар туридир.



Турли манбалардан фойдаланиб, гобеленнинг пайдо бўлиш тарихи ва ривожланиши тўғрисида оғзаки ахборот тайёрланг.

Қозоқ манзарагали-амалий хунарманчилигининг – кашта тикиш, кигиз босиш, гиламдўзликнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужас-самлаштирган gobelen XXI асрда Қозогистоннинг тасвирий санъатида ўз ўрнини эгаллади.

Тўқилмайдиган gobelen усулда ясаладиган гилам буюмлари кенг тарқалган.



1. Тасвирларни кўриб чи-  
қинг.

2. Сизнинг фикрингизча, қозоқ gobelen усталарининг ижодини нима илҳомлантириди?

3. Қозоқ халқининг турмуши, табиати, маданияти ва тарихини акс эттирадиган нарсаларни атанг.

Тўқилмайдиган gobelen техникаси билан буюмларни тайёрлаш жараёни кўп меҳнатни талаб қилмайди. Рассом ўз расмини рангли тола ёки турли рангдаги жун иплари билан туширади. Шу тариқа, моҳир усталарнинг қўли билан кўркамлик ва нағисликда анъанавий gobelenлардан қолишимайдиган чиройли гилам буюмлари яратилади.

Тўқилмайдиган gobelen техникасининг турлари: илмоқлаб кашталаш, игна билан гилам тўқиши, кигиз босиш, ипларни ёпиштириш техникаси билан тайёрланадиган кичик gobelenлар ва ҳ.к.

Gobelенлардаги гўзал динамик композицияларда бутун бир жонли дунё ифодаланган бўлиб, улар томошабинни тўқилган картиналардан завқланишга таклиф этади.



Қ. Тинибеков  
«Мангалик»



А. Баланов  
«Мұқаддас дарахт»

## Композиция Композиция Композиция Composition



Замонавий гиламлар

*Замонавий рассомлар миллий түкимачилик анъаналари асосида янги нақшларни яратмоқдалар.*

*Айниқса, гулли гиламларнинг турлари кўпаймоқда. Гул ва ўсимлик мавзуси уларда нозик шаклларда берилади, гиламлардаги ранглар уйгунлиги эса ранг турларининг бойлигини кўрсатади.*

Бугунги кунда гилам буюмларининг ассортименти жуда кўп ва хилма-хилдир.

Замонавий гиламлар:

*таркиби* (жун, пахта, ипак, вискоза, бамбук, акрил, чарм, полиэстер, табиий ва сунъий теридан ва ҳ.к. ясалади);

*тайёрланиши* (машинада ёки қўлда тўқилган);

*усули* (тўқилган, игна билан санчилган, игна билан тикилган);

*кўриниши* (бир хил рангли, геометрик, абстракт, ўсимликлар тасвири билан);

*зичлиги* (зич, ўртача, бўш тўқилган);

*фактураси* (узун тукли, туки ўртача, қисқа тукли ва ҳ.к.);

*шакли* (тўртбурчак, овал, айлана ва ҳ.к.) билан фарқ қиласди.

Туки бир текис қирқилмаган, 3D русумида бўлиши ҳам мумкин.



Гиламларнинг суратини кўриб чиқинг. Замонавий гиламлардан нимаси билан фарқ қиласди? Жавобингизни асослаб беринг.

Хозирги кунда меъморий ёдгорликлар, тарихий шахслар, портрет, пейзаж ва шу сингари тасвирлар билан безатилган гиламлар ишлаб чиқарилмоқда. Буюм юзасидаги бутун майдонни манзарали ромблар билан тўлдирадиган геометрик нақшлари бор гиламларга деган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Гиламлар композициясининг турлари кўпайди, ундаги ранглар палитраси кенгайди. Бундай ком-

позицияларда очиқ ва совуқ ранглар уйғунлашиб, рангли ҳошиялари билан берилган. Шунинг учун ҳам нақшлари аниқ ва күркам күринади.

Ҳозирги гиламларда шиша, турли хил металл буюмлар ва бошқа материаллардан ясалған құшимча элементлар бўлиши мумкин.

Замонавий технологиялар синтетик гиламларнинг сифатини классик жун гиламлар сифати билан тенглаштириш имконини берди. Синтетик гиламлардан фойдаланишининг бир қатор афзаликлари бор.



Қозогистонда замонавий гиламдўзликнинг ривожланиши ҳақида ахборот йиғинг. Изланиш натижаларини тақдимот тарзида расмийластиринг ва синфдошларингизга ҳавола этинг.

Замонавий гилам ички маконни тўлдириши ва безатиши, хонани безатишнинг ёрқин элементига айланиши мумкин. Шунингдек, хонани кенг қилиб кўрсатиши ёки уни худудларга бўлишда қўлланилиши мумкин. Турли стильдаги гиламлар хона интеръерини ўзгартиришга имкон беради.



1. Қандай gobelen усталарининг ижоди билан танишдингиз?
2. Замонавий гиламларнинг афзаликлари нимада?
3. Замонавий гиламлар интеръерда қандай вазифани бажаради?
4. Қўлда тайёрланган гиламларнинг машинада ишлаб чиқарилган гилам буюмларидан қандай фарқи бор?



Интеръердаги замонавий гиламлар

## § 3. ГИЛАМ ТҮҚИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА АСБОБ- УСКУНАЛАРИ

Рамка  
Жақтау  
Рама  
Loom frame



Гилам түқиши мүлжалланган  
асбоб-ускуналар



Сизнингча, қўлда гилам түқиши учун қандай материаллар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш мумкин?

Гилам түқиши учун рангли ип, тўкuv дастгохи ёки маҳсус тўр мато, тукли тугулнларни түқишига мўлжалланган илгак, тароқ (тўқмоқ), қайчи керак. Тўкuv дастгохининг ўрнига асос ипларни тортиш учун ариқчалари бор рамка қўлланилади.

Арқоқ ипни қўл билан ўтказишга бўлади, лекин мокидан фойдаланиш ишни ёнгиллаштиради. Иш қандай асбоб ёрдамида бажарилишидан қатъий назар, тўқимачилик тамоиллари ўзгаришсиз қолади: тик ва кўндаланг иплар аниқ бурчак остида маълум бир кетма-кетликда тўқилади.



1. Тасвирларни кўриб чиқинг.
2. Гилам түқиши учун қандай асбоб-ускуналар қўлланилади?
3. Сиз қандай қўл мосламалирини таклиф этар эдингиз?
4. Ўз ғояларингизда синфда муҳокама қилинг.

Тўр мато билан ишлашда ип алоҳида тайёрлаб олинади. Уни бир хил узунликдаги кичик бўлакларга бўлиб олиш керак. Ипни кеरакли кенгликдаги картонга ўраб олиб, кейин орқа ва устки қисмини қирқиб олишга бўлади.

Махсус илмоқ ёрдамида иплар тўр матонинг катакчаларига хочсимон кашталаш усули билан тугунлаб бояланади. Ушбу мақсадлар учун оддий тўкув илмоғидан фойдаланиш мумкин, аммо махсус, харакатланувчи қулфчали илмоқдан фойдаланиш осон ва самарали ишлашга имкон беради.

Гиламчани тўқиб бўлгач, иплар бир текисда қирқиб ташланади. Тук қанча қисқа бўлса, нақш шунча аниқ кўринади.

Тўқилмайдиган гобеленни (гул босиш, кашталаш) тайёрлаш учун махсус рамкага тортилган мато (пахта ёки зифир толали), кашта тикишга мўлжалланган игна керак бўлади. Тикиш «Игнани олдга» усули билан бажарилади. Илгак матонинг ўнг томонига тушади.

Тўқилмайдиган гобеленга мўлжалланган игналарнинг тури кўп. Игнанинг йўғонлиги ипнинг қалинлигига қараб танланади. Илгакнинг узунлиги эса игнага боғлиқ.



1. Буюм тайёрлашда қандай материалдан фойдаланишини хоҳлайсиз?
2. Гилам тўқишида қандай асбоб-ускуналар керак бўлади?
3. Дарсдан узингизга қандай фойдали маълумот олдингиз? Гилам тўқиши асбоблари ва материаллари ҳақида яна нималарни билишни хоҳлайсиз?



Гилам тўқишига мўлжалланган тўр мато ва илмоқ

Игна асосий қисм ва тутқичдан иборат. Асосий қисмининг ҳам, тутқичининг ҳам ичи бўш бўлиб, ўртасидан ип ўтадиган тешиги бор.



Тўқилмайдиган гобеленга мўлжалланган игна


## § 4. БУЮМ ЭСКИЗИНИ ЯСАШ. МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Контур

Контур

Контур

Contour



Буюм эскиzlари

Нақшнинг мураккаб қисмларини солиш учун аввало уларни катак вараққа якка-якка солиб олган маъкул.



Ҳар қандай буюмни ясашдан олдин нима қилиш керак?

Эскиз тайёрлашга киришмасдан олдин таниқли дизайннерларнинг дастурлари билан танишиш, гилам фабрикаларининг маҳсулотларини кўриб чиқиш мумкин, манзарали амалий санъат, шунингдек, гобелен ва гилам усталарининг кўргазмаларига боришга бўлади.

Маълум бир расм асосида эскиз яратиш ва керакли ўзгаришлар, масалан, рангига ёки услубига ўзгариш киритиш мумкин.



1. Турли ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда, гиламларнинг турларини кўриб чиқинг.

2. Тайёр маҳсулотларда дизайннерларнинг қандай гоялари ўз аксини топган? Сиз уларни ўз ишингизда фойдаланишни хоҳлармидингиз?

Эскизни қўл билан ҳам, компьютер ёрдамида ҳам ишлаш мумкин. Бунинг учун бўлажак гиламнинг шакли, ранги ва ҳажмини эътиборга олиш керак.

Аввало, гиламнинг контуруни солиш керак. Кейин ўртадан чекка томонларга қараб нақшларни теппа-тeng қилиб чизиб чиқиш керак.

Эскиздаги ранг бирикмаларини рангли қаламлар, акварель бўёқлар ёки гуашь ёрдамида тасвирлаган маъқул.

Эскиз бўлажак буюмнинг ҳажмига мос бажарилиши керак.

Тўқилмайдиган гобелен тайёрлаш учун аввало, расмини матоға тушириб олиш керак, аниқ кўриниб туриши учун ҳошияларини қора фломастер билан чизиб чиқиш лозим. Гиламнинг контурли эскизи тайёр бўлгандан сўнг, уни бўяшга ёки ипларнинг рангини кўрсатадиган рақамлар билан белгилашга бўлади.



1. Ишланадиган буюмнинг эскизини солинг.
2. Ишларингизни баҳоланг. Унда нимани яхшилашни хоҳлардингиз?



1. Синфдошларингизнинг ишини таҳлил қилинг.
2. Уларга изоҳ беринг. Ижодий томонларини қайд этиб, такомиллаштириш бўйича таклифлар киритинг.

Гилам тўқишига киришишдан аввал, бўлажак буюмнинг асосини тайёрлаш керак (асос иплари тортиш, тўр матони рамкага ўрнатиш); эскизга мувофиқ ип танлаш лозим.

Тўқилмайдиган гобелен услубида буюм тайёрлаш учун ипнинг қалинлигига мос келадиган игнани танлаб олиб, унга ипни ўтказиш керак.



1. Ўйингизни амалга ошира олдингизми?
2. Синфдошларнинг ижобий баҳоси ва таклифлари сиз учун қай дарражада фойдали бўлди?

### Тўқиши учун асосий ипни тайёрлаш

1. Ост тахтачанинг биринчи михаллорига остидан икки марта ўраб рамканинг чап томонидан асосий ип учини тугунлаш керак, калавани кўтариш керак.

2. Ипни юқоридаги тахтачанинг михига илиб олиб, пастга тортиш ва пастдаги тахтачадаги михга ўраш лозим.

3. Иплар бирдай керилиб турсин. Пастки тахтачанинг энг охирги михидаги ипни икки марта ўраб, тугунлаш ва ортиқасини қирқиб олиш керак.



Асосий ипни тайёрлаш



Игнани ишга тайёрлаш

## § 5. ИЖОДИЙ ИШ БАЖАРИШ. БЮМНИ БЕЗАТИШ



Ишнинг бажарилиш кетма-кетлигини қараб чиқинг.

Гобелен

ХТ

### Бажарыш кетма кетлиги

1		2	
3		4	
5		6	
7		8	





Бу услуб XVI асрда испанлар төмөнидан ўйлаб топилган. Жанубий Америкада «Бразилия жимжимадор түри» деб аталган.

Тенерифе усулида түқилган гилам

ХТ

Бажарыш кетма кетлиги






**Кашталаш услубида  
түқилган гилам**

**ХТ**

**Бажарыш кетма кетлиги**



**ХТ**

Амалий ишни бошлашдан олдин техника хафвсизлиги қоидаларини тақрорлаб олинг.



Қозоқ халқынинг миллий нақшларидан фойдаланиб, ижодий ишни бажаринг.

1. Гиламни қандай усул билан түкишингизни танланг.

2. Ранг уйғунлиги, иш қуроллари ва асбоб-ускуналарни ҳисбага олган ҳолда, эскизга му-вофиқ материал танланг.

3. Ижодий фаолият кетма-кетлигини, уни амалга оширишнинг оқилона усулини үйлаб күринг.

Буюмни шокила, хар хил фурнитуралар, пардозлик тикувчилик материаллари билан безатиш мумкин.

Чиройли күриниши учун гобеленни багет рамкасига солиш мумкин.



1. Турли манбалардан фойдаланиб тайёр буюмларни қандай безатиш мумкинлигини аниқланг.

2. Иш натижаларини синфда муҳокама қилинг.



1. Буюмни безатинг.  
2. Тайёр ишларингизни таҳлил қилинг.

3. Ижодий ишни күргазмага тайёрланг.



1. Қандай буюм тайёрладингиз? Уни қандай усул билан ясадингиз?  
2. Қандай қийинчилекларга дуч келдингиз?



*Попук тайёrlаш учун тайёр гилам даstгоҳдан олинади, асос иппарини 10–12 см га кесиб, 6–8 ипдан түгүн қилиб боғланади.*


Тукли гиламларнинг четига шокила қилмаса ҳам бўлади. Четини буклаб, гиламга қайриб тикиб қўйган маъқулорок.

Буюмни дастгоҳдан олиб, шокила тикиб ёки четини қайриб тиккач, яхшилаб тозалаш, четларини текислаб қирқиши керак.



## § 6. ТАҚДИМОТ. КҮРГАЗМА ТАШКИЛЛАШТИРИШ

**Фоторепортаж**  
**Фоторепортаж**  
**Фоторепортаж**  
**Photoreport**



Тасвирил гиламлар күргазмаси.  
Фоторепортаж. Нур-Султон ш.



Тақдимот үтказышда замонавий технологиялар қандай ёрдам бера олади, деб үйлайсиз?

Тайёр ишлар күргазма, сотув ярмаркаларида намойиш этилади, уларни тақдим этиш учун фестиваль, маҳорат дарслари ва бошқа тадбирлар үтказилади.

Тақдимотни фақат мактабда эмас, балки bog, музей, күргазма заллари каби мактабдан ташқари жойларда ҳам үтказиш мумкин. Тадбирни ташкиллаштиришда:

- эстетик дид билан безатишни;
- түгри ва сифатли ёритишни;
- умумий фонни (стенд, девор, пардалар ва ҳ.к.);
- ишларни жойлаштиришни;
- ташкилий-техник элементларни (музыка, интерфаол қуроллар ва ҳ.к.) батафсил үйлаштириш керак.

Шунингдек, тадбирга ижодийлик ва ўзига хослик баҳш этишини ҳам кўриб чиқиш керак. Рассом, ёзувчи, жамоат фахрийси каби таниқли шахсларни чақириш билан ҳам тадбирнинг ўзгачалигини таъминлаш мумкин. Ишларни таништиришда замонавий электрон технологиялар, Интернет тармоқлари каби янги имкониятлар ҳам мавжуд. Тақдимот ҳақида реклама ёки роликлар тайёрлаш мумкин. Шунинг билан бирга, уни ишлаганлар ҳамда тадбир иштирокчиларидан интервью олиш ҳам ишни таништиришда фойдали имконият беради.

Бундай ёндашув тақдимот иштирокчиларининг сонини кўпайтиради: Интернетга жойлаштирил-

ган видеоматериалларни дуч келган одам ҳохлаган вақтда томоша қила олади. Видеоматериални Movavi мұхаррири ёки башқа компьютер дастурлардан фойдаланиб таҳрирлаш мүмкін.



1. Тақдимот ҳақида фильм ёки репортаж учун сценарий тайёрланг.
2. Сұхбат учун саволлар тузынг.
3. Материални тасмага тушириш ва унга ишлов бериш бүйича вазифаларни тақсимланг: оператор, мұхбир, видео мұхаррирни танланг.




1. Дарсلىкдаги тасвирлар берилған түрли хил манзарали-амалий санъат буюмларининг тақдимотларини диққат билан ўрганиб чиқинг. Уларнинг мавзусини, тақдим этиш шаклини, безатилишини таҳлил қилинг.
2. Үзлаштирилған материал асосида ижодий ишларнинг күргазма-ярмаркасини тайёрланг.
3. Тадбирни ўтказиш тури ва ўтиш ўрнини аниқлаб олинг.
4. Техник элементлар билан жиҳозланг.
5. Афиша ва тадбир иштирокчилари учун таклифномалар тайёрланг. Уларни ижтимоий тармоқлар ва Интернет орқали тарқатинг.
6. Медиакуроллар ва онлайн-платформадан фойдаланиб, тақдимот турини танланг.



Гиламлар күргазмаси.  
Ақмола вилояті тарихий-  
ўлкашунослик музей

Үқувчилар ишларининг  
кўргазмаси





Үрта Осиё кўчманчиларининг гилам билан боғлиқ дастурлари: кигиз уй жиҳозлари



Гилам кўргазмаси.  
Истамбул



Гилам кўргазмаси.  
Норвегия



Гилам кўргазмаси. Ақмола вилоят тарихий-улкашунослик музейи



1. Иш натижасига кўнглингиз тўлдими? Нима учун?
2. Тадбир қатнашчилари билан алоқа ўрната олдингизми? Тақдимот пайтидаги тавсиялар сиз учун фойдали бўлдими?
3. Келажакда шундай тадбир ташкиллаштирганда нимани ўзгартириш ва нимани яхшилаш керак деб ўйлай-сиз?



Гилам кўргазмаси.  
Марокко

# ИЗАЙН ВА ТЕХНОЛОГИЯ

**Бўлимни ўзлаштириш натижасида:**

- замонавий йўналишдаги мода намуналарини таққослайсиз ва тахлил қиласиз;
- турли-туман безак материаллари ва фурнитураларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билиб оласиз;
- буюм тайёрлаш усулларини, кетма-кетлигини аниқлаб, график ва технологик ҳужжатларни тайёрлайсиз;
- турли материаллар ва қурилмалардан фойдаланиб, буюмни ўзингиз тайёрлаган технологик ҳужжат бўйича бажарасиз;
- буюм ва материалга ишлов беришдаги технологик жараён турларини ўрганиб чиқасиз;
- тўйқима материалларни бичиб, тикасиз, қозоқ халқининг миллий нақшларидан фойдаланиб, ишлайсиз, безатасиз;
- қўл ишлари, машина ва намлик-иссиқлик ишларини бажаришда иш жойини ташкил қилиш ва меҳнат хавфсизлиги кўникумларига эга бўласиз;
- ўзингизнинг ва ўзгаларнинг ишига муносиб баҳо бериб, мақсади ва маъносини кўрсатасиз;
- медиакуроллар ва онлайн-платформадан фойдаланган ҳолда тайёр буюмларингизни маълум бир аудиторияга таништирасиз.



Kazakhstan Fashion Week. Аида Кауменова коллекциясининг намойиши

## § 7. МОДА ОЛАМИДАГИ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБИЙ ЙЎНАЛИШЛАР (МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТ)

### Услубий йўналишлар Стильді бағыттар Стилевые направления Style directions

Мода – маълум бир ижтимоий шароитда, одатда, қисқа муддатли аниқ бир вақтда устун бўлган дид ва нуқтаи назарлар йигиндиси.

Баъзи тарихчилар, моданинг пайдо бўлиши XII–XIII асрларга тўгри келади, деб ҳисоблашади, чунки шудаврда кийим-кечаклар фақат декоратив вазифага эга бўлган безаклар билан безатила бошлаган.



Классик услуб



Замонавий ҳунарнинг янги модадаги қандай йўналишларини биласиз? Уларнинг асосий хусусиятларини айтинг.

Ҳар бир даврга ўзининг «дунёвий тасвири» хос бўлиб, бу санъатда, унинг бадиий йўналишлари ва услубларида ўз аксини топади. Мода тушунчаси жаҳон санъатига бевосита боғлиқ. У инсоннинг тарихий ҳодисаларга бўлган жавобидир. Шунинг учун, асрлар давомида мода тарихий, ижтимоий ва иқтисодий омиллар таъсири остида катта ўзгаришларга дучор бўлади.

Мода тушунчаси тасвирий, манзарали-амалий санъат ва дизайн асарларидаги ягона тизимни яратадиган барқарор ва яхлит бадиий тизим ҳисобланадиган услуг тушунчаси билан узвий боғлиқдир.

Замоннинг услуби ва модаси инсон кийимига катта таъсир кўрсатади.



1. «Либослар услуби – тарихий давр акси сифатида» мавзуси бўйича маълумот изланг.

2. Ўтган асрлар модаси билан замонавий мода орасида қиёсий таҳлил ўтказинг.

3. Тадқиқот материаллари асосида ахборот китобчаларини яратинг ёки тақдимот тайёрланг.

Даврнинг стили (услуб) ва мосаси инсон либосига катта таъсир кўрсатади. Мода ўзгарувчан бўлиши мумкин, аммо стиль нисбатан кам ўзгаради. Мода тараққиёти тарихи мобайнида баъзи услублар асрлар давомида шакланган. Ҳозирги кунда: *классик, спорт, романтик, фольклор, авангард* стиллари маълум.

*Классик услугуб* – чизиқлардаги чекланган соддалик, қисқартирилган кескинлик, маҳсулотларнинг қатъий тасвири. Ушбу услугунинг кийимлари энг кенг тарқалган бўлиб, сифати ва ранги бўйича энг асл ва олийжаноб матолардан – жун, ипак, пахта, зигир ва табиий матоларга тақлид қилувчи аралашма матолардан тикилади.

*Романтик услугуб* – назокатлийка ургу берадиган, тўйинган ёки пастель рангдаги жилвадор матоларнинг қулайлиги. Майда бурма ҳошиялар ва гўзал тўрли ёқалар, тасмалар, бурмалар, сунъий гуллар сигари безаклари бор. Ушбу услугуб байрамона, тантанали ва дам олиш шароитларда кийишга қулай бўлиб, кўтаринки кайфият яратади.

*Спорт услугуби* – бу қулайлик ва ихчамлик, амалийлик ва ҳаракат эркинлиги. Ихтиёрий силуэт ва тўғри геометрик бичим чизиқлари, ранг палитрасидаги чекловларнинг йўқлиги. Спорт услугубидаги кийимлардан иш ва тантанали тадбирлардан ташқари, кундалик кийим сифатида фойдаланиш мумкин.

*Фольклор услугуби* (этник, кантри) – миллый мавзу элементлари бўлган замонавий кийим услуби. Бу нафақат либосларни безаш



Романтик услугуб



Спорт услугуби



Фольклор услуги

*Кийим-кечак моделларини яратында ранг хусусиятлари зерттеборга олинади. Ифода воситаларини излашда, айниқса янги моделларда, доимо ҳар бир мавсум учун етакчи гаммалар танланади.*



Авангард услуги

усулларини, балки халқ кийимларининг буюмлари, шакли ва бичилиш усуслари ва элементларини ҳам ўз ичига олади.

Авангард услуги – авангардчи рассомлар асарларидан келиб чиқкан. Унга одатий бўлмаган шакллар, чизиқлар, материаллар, ноанъанавий силуэтларни яратиш, ёрқин, кўзга ташланадиган аксессуарлардан фойдаланиш хосдир. Авангард услугидаги кийимларда оломон ичига йўқолиб қолиш мумкин эмас.

Асосий услублар билан бир қаторда микроуслублар ҳам мавжуд.

Замонавий либослар услуги оддийлиги ва бадиий ифодалилиги, турли-туманлилиги, шакли ва рангининг кийим вазифаси ва материалига нисбатан уйғунлилиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир услуг соф шаклда кам учрайди. Мода турли услубларнинг элементларини аралаштириш билан ажралиб туради. Услубларни бир ансамбльда биринкириш эклектика дейилади.



1. Қўшимча материаллардан фойдаланиб, «Либослар ранги» мавзусида тақдимот тайёрланг.

2. Дарсликдаги (34–37-бетлар) расмларда берилган моделлар намунасидаги дизайнерларнинг ранг танловларини таҳлил қилинг.

3. Синфда дизайнерлик ечим ва қоидаларини таҳлил қилинг.

Замонавий кийимларнинг услубий қарорлари жуда хилма-хилдир. Турли услубларни аралаштириш, уларнинг бирикмалари ва турли қўшимчаларнинг муракаблиги мавжуд услубда янги «маҳаллий» услугбада йўналишини ёки муайян муаллифлик услубни яратади.



1. Модадаги стиль йўналишларидан бирини танлаб олинг.

2. Қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, шу йўналишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқланг.

3. Мода журналлари ҳамда бошқа манбалардан ўша стильга хос кийим намуналарини танлаб олинг.

4. Танланган намуналарни аниқ бир стильга хослигини қандай белгиларга қараб аниқлаганлигинизни синфда муҳокама қилинг.

5. Танлаган намуналарингизда дизайнерлар қандай материал, асбоб-ускуналардан фойдаланганлигини ва қандай йўл билан бажарганлигини таҳлил қилинг.



1. Сиз учун қайси маълумот фойдали бўлди?

2. Мавзуни ўрганиш давомида олган билимларингиз келажакда сизга керак бўладими?



Айнур Турисбекнинг коллекциясидан

*Эклектика – турли услубларнинг аралашмаси, ҳар хил услублар, концепция, гояларнинг бирикмаси.*



Эклектика

## § 8. «МОДА ВА ЯККА ШАХС МУВОФИҚЛИГИ» ЭКСПЕРИМЕНТИ. ШАХСИЙ ИМИДЖ ЯСАШ. ГОЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Имидж  
Имидж  
Имидж  
Image

Монандлик қоидалари санъатнинг барча турлари – рассомчилик, меъморчилик, мусиқа, шеърият ва либос яратиш санъати учун ягона-дир.

Дизайнер матодан фойдаланиб, чиройли тасвир, қизиқарли костюм, ўзгача пойафзал яратади.

Стилистнинг вазифаси – турли одамлар томонидан бажарилган гардеробнинг барча деталларини ўзаро мослаштириш, маълум бир одамга мўлжаллаб, унинг қоматини, юз бичимини, турмуш тарзини, феъл-авторини, ёқтирадиган нарсаларини, шунингдек яратилаётган имидж қандай вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланганигини ҳисобга олган ҳолда, услугубий ва композицион жиҳатдан уларни биритишишдир.



Инсон ўзининг яккалигини қандай кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Мода инсонга яккалигини (алоҳидалик) намойиш қилиш, ўзини ифода этиш имконини беради. Кийим танлашда ўзингизнинг жозибалигингизни таъкидлашга ҳаракат қилишингиз керак. Кийим ёрдамида инсон ўзи ҳақида ҳоҳлаган нарсасини айта олади, ички ва ташки жиҳатдан монанд кўринади.



1. Мода журналлари ва Интернет тармоқларидан фойдаланиб, стилистлар тайёрлаган турли қиёфаларни кўриб чиқинг.

2. Турли хил стилдаги бир неча қиёфани танлаб олинг.

3. Қиёфанинг яхлитлиги қандай яратилганига эътибор беринг. Композициясининг маркази нима эканлигини аниqlанг.

4. Турли бадиий материаллар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиб, ушбу намуналарга (таплов асосида) янги қиёфа ясанг.

5. Турли ранглар, шакллар, чизиқлар билан тажриба ўтказиб кўринг.

6. Қиёфани қандай мукаммал-лаштириш мумкинлигини ўйлаб кўринг.

7. Синфда ўз фикрингизни ўртоқлашишинг.

Имидж – бу таассурот, инсон ҳақидаги тасаввур, индивидуалустуб, ташки кўриниш. Қиёфалар билан тажриба ўтказиш ўз фойдасини беради. Буни муваффақиятли

амалга ошириш учун, сиз ўзингизни қулай ва ишончли ҳис қила оладиган энг қулай қиёфани аниқлашингиз керак.

Ўзингизни, қадди-қоматингизни яхши билишингиз керак, ташқи кўринишингизни таҳлил қилинг ва кийимнинг қайси ранглари ва силуэтлари мос келишини аниқланг. Сизга ёши, жинси, гавда бичими, ранг типи бўйича тўғри келадиган машҳур инсонни танлаб олишга бўлади. Бу шахс сиз учун илҳом манбаи бўлади. Ҳар бир даврда ўзининг ёрқин қиёфаси билан тақлид қилишга намуна бўла оладиган таникли шахслар бўлган. Бундай шахс кўпинча дизайннерлар учун илҳом парисига, бошқалар учун услугуб меъёрига айланади. Ҳақиқий услугуб – бу йиллар ўтиши билан ҳам модадан қолмайдиган услугуб.



1. Ўзингизни турли хил образда тасаввур қилинг.
2. Либослар орқали ўзингиздаги янги хусусиятларни кашф этинг.
3. Фор-эскиз, коллаж ёки фотоальбом (хоҳишингизга қараб) тайёрланг.
4. Ўзингизга ёқсан тасвирларни танлаб олинг.
5. Уларнинг қайси биттасида ўзингизни қулай, ҳамоҳанг ҳис қилдингиз? Ўз танловингизни асослаб беринг.



1. Иш жараёнида нима муваффақиятли чиқди ва қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?
2. Замонавий моданинг қандай асосий услубий йўналишлари бор?



Ая Балани



Коко Шанель

## § 9. ВИЗАЖ ВОСИТАЛАРИ, СОЧ ТУРМАГИ ВА АКСЕССУАРЛАР ЁРДАМИДА ШАХСИЙ ҚИЁФА ЯРАТИШ

### Аксессуарлар Аксессуарлар Аксессуары Accessories

Кийим-кечакнинг ўзаро мувоғиқлиги ташқи кўринишнинг гўзалигини таъминлайди. Бунда қўидагиларга амал қилиш керак:

- илиқ ва совуқ рангдаги буюмларни ўзаро биректириш керак эмас;
- инсон қиёфасида учтадан кўп ранг бўлмаслиги керак;
- ўзингизнинг ранг типингиизга мос келадиган рангдаги кийимларни танлаган маъкул;
- қалин матодан тикилган кийимлар фақат бошқа кийимларнинг устидан кийилади;
- кўп қиёфаларга асос бўла оладиган буюмларни сотиб олишга ҳракат қилинг.



Сизнинг имиджингиз қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз? Қандай имидж сизга доимо жозибали ва хушбичим бўлиб, муваффақият қозонишга ёрдам беради?

Имидж яратишда кийимни кийиш ва либоснинг барча таркибий қисмларини тўғри биректира олиш қобилияти катта роль ўйнайди.

Либос – қиёфий сифатдан ҳал қилинган ансамбль бўлиб, унинг маркази инсондир. Ансамбль кийим, пойафзал, соч турмаги, аксессуарларни (либосга қўшимчалар: бош кийим, бўйинбоғлар, рўмол, тақинчоқлар, кўлқоп, сумка, ҳамён, камар, соябог ва бошқалар) биректиради.

Ранг танлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Либосда нафақат кийимнинг, балки бош кийим, пойафзал, аксессуарларнинг ранги ҳам муҳимдир. Имидж устида ишләётганда рангни одамнинг ташки кўринишидан, либоснинг вазифасидан, унинг нисбати, ўлчамлари, чизиклари, шакли, фактураси, материалидан ажратилган ҳолда қабул қилишга бўлмайди.

Визаж шахсий қиёфани яратиш воситаси сифатида макияж, соч турмаги ва одамнинг бутун ташки кўринишининг бирекмасини ўз ичига олади.

Макияж одам юзига ифодалилик баҳш этишга, ташки кўринишининг айрим қисмларини таъкидлаб, бошқаларини яширишга мўлжалланган. Макияжга қўйилалигиган асосий талаблар: ўзининг мақсадига, одамнинг ёшига, об-

ҳаво шароитига, кийим-кечакка, юзнинг хусусиятларига мос келиши керак. Муваффақиятли макияж – бу бўёқларнинг сезилмас даражада бўлишидир.



Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, юз турларини ўрганинг. Уларга мос келадиган соч турмакларини кўриб чиқинг.



Моделга макияж ясанг.

1. Ранг ва чизиқлар билан тажриба ўтказиб кўринг.
2. Қиёфанинг услубий бирлигини яратадиган олдингизми?

Имидж шакллантиришда тасвирни тўғри танлаб, ўзгариш кирита билиш керак. Соч турмаги, макияж янги нарсалар билан мос ҳолда, ўзига ярашиб туриши керак.



1. Юз тузилиши, қош, қўз, бурун, лаб ва иякни; кўзнинг рангини, соч ва либоснинг рангини, тери хусусиятлари, ёш чамасини, умумий стилни эътиборга олган ҳолда тасвир чиқаринг.
2. Ўзингиз ва синфдошларингиз ишини баҳоланг.



1. Мавзу орқали қандай янги маълумотларни билиб олдингиз?
2. Ижодий ишингиздан кўнглингиз тўлдими?



Визаж, соч турмаги, аксессуарлар ёрдамида яратилган образ (киёфа)

## § 10. ШАХСИЙ ИМИДЖ ЯРАТИШ УЧУН ЛИБОС / АКСЕССУАРЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИНІН ЯСАШ ЭКСПЕРИМЕНТИ

Коллекция  
Топтама  
Коллекция  
Collection



Аида Кауменова  
коллекциясининг намойиши



Marc Cain брендининг  
күйимлар коллекцияси



Сизнингча, ўзгалардан ажралиб турадиган стиль яратиш тұғрими? Нима учун?

Коллекция – маълум бир ғоя теварагида жамланган, бир мавзуни акс эттирадиган, ранглари үзаро үйғунлашиб, маълум бир фаслга (баҳор-ёз ёки куз-қыш) мүлжалланган, турли хил мақсаддардаги лиbos намуналари.



1. Қозогистондаги машхур модельерларнинг (танловингизга күра) мода тақдимотларини күриб чиқинг.
2. Модельерлар либослар коллекциясини қандай тузганигini таҳлил қилинг.
3. Либослар коллекциясини тузишда модельерлар нимага асосланғанлар?
4. Коллекция ғояси, мавзуусини аниқланг.
5. Модель сиймосини яратишда визажист-стилистлар қандай воситалардан фойдаланғандар?

Тұғри тузилған коллекциянинг асосий хусусияти унинг яхлитлигидир. Үнга шакл, материал таркиби, ранг оралиғи, ижодий усуллар, ташқи күриниш, услугуб бирлиги воситасида еришилади.

Шу сабабли, пухта ўйлаб тузилған коллекциянинг асосий шарти – унинг концепциясидір.

Дизайн концепцияси – дизайннернинг барча хуоса ва ғоялари бўйсунадиган асосий ғоя, фикр.

Аниқ ечим қабул қилмасдан яхлит қиёфа, ансамбль, коллекция яратиш мүмкін эмас.

Коллекция тузиш пайтида дизайннерлар ва модельерлар қуидаги факторларни эсда сақлашлари шарт:

– құлланилиши – спорт кийими, тантанали кийим, кундаликда кийиладиган кийим, иш кийими ва ҳ.к.;

– мавсумий – ёзги, қишки, күзгішиби, баҳорги, баҳор-ёзги ва ҳ.к.;

– ёш тоифасига күра – болаларға, ўшларға, улкан ёшдаги кишиларға ва ҳ.к. мүлжалланган лиbosлар.

Либос намунасининг якка коллекциясини тузишда ҳамма босқични жиддий эътиборга олиш керак. Чунончи:

- ўйлаштириш (қиёфа);
- эскиз ясаш;
- эскизларни саралаш ва тузаатишилар киритиш;
- материал танлаш керак.



1. Коллекция стилини мослаштириб, ўспиринларға мүлжалланган янги либослар ёки аксессуарларни лойихаландырып.

2. Либослар коллекцияси ёки аксессуарларнинг эскизлары ва хомаки расмини (фор-эскиз) солинг.

3. Қиёфа билан коллекция орасыда стиль бирлиги қай дарражада сақланғанligini аниқланады.

4. Либос коллекцияси ёки аксессуарларни тайёрлашга мүлжалланган материални танланады.



Либос коллекцияси учун эскизлар

**Концепция** – бу бирон нарса ҳақида фикр юритиши, бир қарорға келиш, бosh ғоя.

Концепция тушунчаси күргина соҳаларда: дизайн, ҳайкалтарошлик, сиёсат, иқтисод, менеджмент, муҳандислик ва фалсафада құлланилады. Бирок, ҳар бир соҳада концепциянинг ўзига хос маъноси бор.



Степан Козяевиннинг «Нельсоннинг кундалиги» коллекцияси



Яхлит стилдаги аксессуарлар коллекцияси

5. Харидорларнинг бу нарсага қай даражада қизиқишини аниқланг.

6. Коллекция учун нима сабдан шу материални танлаганингизни тушунтиринг.

7. Коллекция мақсадига қанчалик мувофиқ эканлигини аниқланг.

8. Ишингиз ҳақида синфдошларингиз ва ўқитувчингизнинг фикрини билинг.

Аксессуарлар коллекциянинг умумий стилини тузишда ва ҳар бир либоснинг алоҳида стилини яратишда муҳим роль йўнайди.

Сумкалар, қўлқоплар, камарлар, соябонлар, заргарлик буюмлари коллекциядаги қўшимча деталлар ҳисобланади ва яхлит тимсол, қиёфа яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мода намунасини кўрсатишда коллекция муаллифи аксессуарларнинг эскизини ҳам ўзи тайёрлаб, соч турмаги ва макияжни ҳам ўйлаштиради.




1. Шода, билагузук, брошка ва сумкадан иборат бўлган аксессуарлар коллекцияни намунасини кўриб чиқинг. Бу коллекцияда қандай қилиб ва ниманинг ёрдамида услубий бирликка эришилганлигини таҳлил қилинг.


2. Дарсликда шода ясаш тартиби берилган. Уни мустақил ясанг.

**Бисер ва мунчоқдан ясалган шода**

**X<sub>T</sub>**

**Бажарыш кетма кетлиги**








Билагузук худди шодага ўхшаш тарзда тайёрланади. Билагузук тайёрлаш учун қанча мунчоқ, бисер ва қармок ип керак бўлишини аниқланг. Буюмни бажаринг.





Сумкаларнинг намуналари,  
XV–XVI аа.

Сумкаларнинг пайдо бўлиш тарихи беш минг йилдан кўпроқ вақтни ташкил этади. Аввало «тугунчалар» – таёкларга боғланган халтачалар пайдо бўлди. Сўнгра «омоньер» деб аталадиган қопчиқчалар пайдо бўлди. Уни аёллар кийимнинг остида олиб юришса, эркаклар беллига тақиб юришган. Кейин бисер, ранг-баранг шиша мунчоқлар, турли рангдаги кашта, тўр ва гажимлар билан безакланган ридикуль пайдо бўлди. Уларнинг ўрилган ёки тўқилган турлари бўлган.



Буюмнинг чизмаси

### Фетрдан ясалган сумка


Амалга ошириш жараёни:


- чизма асосида сумканинг қисмларини бичиш;
- сумканинг олд қисмининг ўнг томонига нақш намунасини тўғноғич билан бириттириш, унинг атрофини қалам билан чизиб чиқиш;
- нақш атрофига пайетка ва бисерлар тикиш;
- сумканинг асосий қисмини белгиланган узук-узук чизик бўйича буклаб, тўғноғич билан илиб, кўклиб чиқиш;
- машинада бостириб тикиш;
- сумканинг олд бўлагининг иккинчи ярмининг ўнг томонига магнитланган тугмачани ўрнатиш;
- олд қисмини сумканинг асосий қисми билан бириттириш;
- ён қисмидаги белгиланган чизик бўйлаб боғич ўтказиладиган тешик тайёрлаш;
- боғични ўтказиш ва маҳкамлаш;
- боғич ўтказилган ён томонининг юқори қисмини буклаб, бостириб тикиш;
- сумканинг иккинчи томонига магнитланган тугмачани ўрнатиш;
- сумканинг асосий бўлагига ён қисмини кўшиб тикиб, тикув учини маҳкамлаш.



Сумканинг чизмаси, уни тайёрлашнинг тушунтириш хати ва кетма-кетлиги ўрганинг. Ишни бажаринг.

## Бажариш кетма-кетлиги





## Аксессуарларни намойиш қилиш



1. Коллекция яратышда нимага эришдингиз? Қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?
2. Коллекция яратышда сизга қандай мода намойишлари ва модельерлар илҳом берди?

## § 11. ТАҚДИМОТ

Каталог  
Каталог  
Каталог  
Catalogue



Интернет-дүкөннинг онлайн-платформасидаги либослар каталоги



Аёллар либосларининг каталоги



Янги либослар коллекциясини намойиш этишнинг қандай усулларини биласиз?

Либос ва аксессуарларнинг янги коллекцияларини маълум бир аудиторияга (кўпчиликка) тавсия этишнинг кўргазма, каталог, фотоальбом, тақдимот, видеолавҳа сингари асосий усуллари бор.

Ахборотни тарқатиш ва кўпчиликнинг эътиборини жалб этишда замонавий технологиялар катта имкониятлар яратмоқда. Бунинг учун анъанавий кўргазмалар ташкил этиб, улар ҳақида матбуот ва аудио-визуал оммавий ахборот воситаларидан репортажлар берилиши мумкин. Шунингдек тақдимотлар, ахборот ва рекламали видеорепортажлар, видеороликлар, кейс-тарих тайёрлаш мумкин.

Маълумотни тарқатишнинг онлайн-платформалар, видеосервислар, ижтимоий тармоқлар ва ҳ.к. («YouTube», «Kaznet», «Яндекс. Видео», «Instagram», «ВКонтакте», «Facebook») каби турлари бор.



1. Интернетдан кўргазма, видеоролик, тақдимот каби тадбирларнинг намуналарини қараб чиқинг.

2. Ўз имиджингизга аталган либос ва аксессуарлар коллекцияси эскизлари альбомини ёки каталогини тузиш бўйича ижодий иш бажаринг.



 1. Ўз имиджингизга аталган либослар ва аксессуарлар коллекцияси бўйича эскизлар каталоги ёки альбомини таништиринг.

2. Дарсликда илова этилган тақдимот шаклларининг намуналарини қараб чиқинг. Тақдимот шаклини танланг.

3. Коллекцияни таништириш мобайнида ўз ғояларингизни айтинг ва изохланг.

4. Медиавосита ёки онлайн-платформада (ижтимоий тармоқлар, онлайн-форумлар ва х.к.) тақдимот хакида айтинг.

5. Тайёр ишни таҳлил қилинг. Томошибинларнинг фикрлари-ни эътиборга олган ҳолда хуло-са чиқаринг.

## Тавсия этиладиган ғоялар



Либос ва аксессуарлар коллекцияси

ФАЙЛ	ГЛАВНАЯ	ВСТАВКА	ДИЗАЙН	ПЕРЕХОДЫ
Обычный	Режим Сортировщик Страницы Режим структуры слайдов заметок чтения Режимы просмотра презентации			Образец слайдов Режим
1		Топтакы тәнисторылымыз дайелдерге арналған жаңы	Armani Prive	
2		Маусымдық топтакының жаңылығы – өздігін елеңнің бейнелікten түтшілік негізгі фотографиялардан шынайтын		Top Secret
3		Armani Prive-нің жаңы топтакысының насырауда шыншылдық жекеңдіктердің көзінен салынуында үлкен көзі – мұрзық жазба розеткалары, сименоны вәде салса, сүрет архитектура. Шыныс кілпіркіндерден жаңы түшкілдер жасалады.		Top Secret
4		Жаңы топтакының түспөрөлөвінен көннегердің жаңы топтакы, көз жүйесінде оның розеткалықтарын отырғасы. Басқаман, вертикаль түстөр – көнір-көніл, алғын, балыс түстөр, кара, болат түстөр, соңаштын «күнеге» атаптаған один жеңіл салынған түстөрдөр, шынайтын		Top Secret

## Аёллар либослари коллекцияси учун тақдимот тайёрлаш

Үқувчилар ишларининг  
тақдимоти



«Шодлик» либослар коллекцияси



Либос ва аксессуарлар  
коллекцияси



Аксессуарлар  
коллекцияси



Cartier брендидан заргарлик тақинчоқ буюлар



Қозғистонлик усталарнинг заргарлик тақинчоқ буюлари



Etro брендидан кийимлар ва аксессуарлар коллекцияси



Chanel сумкалари ва аксессуарлари коллекцияси



1. Тақдимот давомида нима мұваффақиятли чиқди? Нима күйин бўлди?
2. Ўйлаганларнинг амалга ошидими?
3. Фикрларингизни етказа олдингизми?



FURLA сумкалари ва аксессуарлари коллекцияси

## § 12. СОДДА ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛИ «FAST CLOTH» УСЛУБИДАГИ КИЙИМЛАР (ПОНЧО, КЕЙП, ТУНИКА) ДИЗАЙНИ

Дизайнер  
Дизайнер  
Дизайнер  
Designer

Дизайнер доимий ижодий изланишда бўлиб, янги композицион усулларни ўйлаб топади. Янги гоялар топиб, илҳомланиш учун миллий кийим намуналари ни ўрганади, музейларга, кўргазмаларга боради, иллюстрацияли каталогларни, ҳатто аввалги рассом-усталарнинг рангтасвир асарларини кўриб чиқади ва ҳ.к.



Пончо



Сизнинг фикрингизча, мода кийимининг дизайнини яратишдан мақсад нима?

Замонавий русумдаги кийимлар (мода) дизайнни давр талабига мувофиқ ўзгариб, одамларнинг турмуш тарзи, талаб-эҳтиёжларига кўра ривожланиб боради.

Мода оламидаги жараён, услуг, материаллар ўзгарса-да, ҳар қачон кийимнинг ихчам, қулай, гавдага мос бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Дизайнерлар кийим модаларининг ғоялари ва қатъий қарорлари билан одамларни ҳайратлантириб, ўзига хос намуналар воситасида ўз ўйларини амалга оширади.

Содда геометрик шаклларда яратилган «Fast cloth» кийимлари бир неча йилдан бўён истеъмолчилик томонидан талаб этиб келинмоқда.

Пончо, кейп, ёпинчиқ, туника – содда бичимдаги елка кийими.

Пончо – Лотин Америкаси аҳолисининг анъанавий кийими. У қўлда тўқилган бир ёки икки бўлак газламадан тикилади ва бош сиғадиган ўйиқ қолдирилади. Уни ҳар қандай фаслда материали, бичимига қараб, ҳамма вақтда кийиш мумкин.

Кейп – инглизларнинг елкага ташланадиган енгизиз, кенг русумдаги ёпинчиғи. У ҳам пончо каби, эркин бичилади. Кейп – пальтонинг бир тури. Ташқи бичими трапецияга ўхшаса ҳам елка чизикларидан бошлаб гавда тузилишига мос тикилади.

**Туника – қизлар кофта сифатида ҳам, күйлак сифатида ҳам, пляж ёпинчиғи сифатида ҳам фойдалана оладиган күпфункциялы кийим тури. Одатда ёқасиз, баъзан енги ҳам бўлмайди. Турли узунликда, асосан, бел чизигидан паст бўлади.**



Моделларнинг фотосуратларини кўриб чиқинг. Содда геометрик шаклли кийимларнинг умумий ранглари ва ўзига хос хусусиятларини айтинг.

Дизайнерлар содда геометрик шаклдаги кийимларни турлича ўзгартиради. Уларнинг фасони, узунлиги, ўлчами, материали, ранги, услуби ҳам ўзгараверади. Ушбу кийимнинг замонавий турлари чиройли тутмали, илгичли, бўлиши билан бирга, чўнтаклари ҳам бор.



Қўшимча манбалардан фойдаланиб, содда геометрик шаклли кийимларни (танлов бўйича) таҳлил қилинг. Уларнинг қандай ўзгарганини аникланг. Изланиш натижаларини «Содда геометрик шаклли кийим – дизайн ва мода белгиси» мавзууси билан альбом ёки каталог турида расмийлаштиринг.



1. Содда бичимли елка кийими ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Содда геометрик шаклли кийимларнинг қандай афзаллиги бор?



Кейп



Туника

## § 13. КИЙИМ ВА АКСЕССУАРЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### Ишлаб чиқариш Өндіріс Производство Production

Замонавий кийимни турлы касб згалары тайёрлайды. Конструктор-модельерлар янги фасонларни яратып, бир неча стандарттың типик ўлчовларга мөс чизма намуналарини тайёрлайды. Технолог-муҳандислар шу намуналар бүйіча буюм тайёрлашнинг технологик жараёнини батағсил таърифлайды.



Кийимни оммавий ишлаб чиқариш

Конструкторлар тайёрлаган чизма намуналари бүйіча тикув фабрикаларыда барча қисмлар бичилади әдәптердегі технологик тәсисаттармен қосындырылады. Мунонның мөндерінде олардың өзінен жасалғанынан да ажыратылады.

Шу тарихта тайёрланған юқори сифатлы кийим салынуда қарындағы технологиялардың көмекінен пайдаланылады.



Кийим ва аксессуарлар тайёрлашнинг қандай усулдарини биласиз? Улар ҳақида гапириб беринг.

Хозирги вақтда кийим ва аксессуарлар ишлаб чиқариш инновацияларының көмекінен тайёрланып, олардың өзінен жасалғанынан да ажыратылады.

Сифатли материаллардан фойдаланып, усул ва услугаларни тақомилластырып орқали замонавий ресурстардың талабарини, ишлаб чиқаришнинг самаралы, унумли бўлишини назарда тутган ҳолда чидамли, чиройли кийимлар тайёрлаш мумкин.

Янги технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни автоматластырып, асбоб-ускуналардан самаралы фойдалана олиш туфайли кийим ва аксессуарлар тайёрлаш учун сарфланадиган вақт бирмунча қисқариб, сифати яхшиланды.

Кийим ва аксессуарлар иккى хил усул билан тайёрланады: оммавий ишлаб чиқарылады әдебиеттегі олардың өзінен жасалғанынан да ажыратылады.

Хозирги вақтда замонавий кийим тайёрлашнинг қуйидаги босқичлари бор:

1. Намуна яратыш, конструкцияси ва технологик ҳужжатини тайёрлаш.
2. Материални бичишга тайёрлаш ва бичиш.
3. Кийимни тикиш, ишлов бериш ва сифатини текшириш.

Мода уйлари, тикув фабрикала-рининг тажриба цехлари лойи-ҳалаштирилган намуналарнинг маркетинглик қийматини ҳисобга олишади.

Кийим андазасини тайёрлаш учун энг олдин андазани лойи-ҳалаштириб олиш керак. Бунда асосий ва безакли қисмларнинг умумий уйғунлиги, ранги, газла-маларнинг ўзига хослиги ва ҳ.к. назарда тутилади.

Эскизни бадиий раҳбар текширгандан сўнг, андаза олиниб, тайёрланади. Уни модельер-рас-сом, кийим конструктори, корхонадан келган вакиллардан иборат бадиий кенгаш кўриб чиқиб тасдиқлайди.



Қўшимча манбалардан фойдаланиб, турли корхона-ларда тайёрланган кийим ва аксессуарларнинг ишлаб чиқаришини ҳамда технологик жараёнларини ўрганиб чиқинг. Билиб олганларингизни синфда айтиб беринг.



1. Тикув ишлаб чиқаришига хос қандай касбларни биласиз?
2. Турли корхоналарда кийим ва аксессуарлар тайёрлашнинг ишлаб чиқарish ҳамда технологик жараёни нимадан иборат?
3. Кийим харидоргир бўлиши учун қандай бўлиши керак?



Кийимни якка тайёрлаш



Аксессуарларни тайёрлаш. Камар



Аксессуарларни тайёрлаш. Сумка


## § 14. ЭСКИЗ. ФОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ. МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Модельер

Сәнгөр

Модельер

Fashion designer



Буюмнинг эскизи



Қандай содда геометрик шаклли кийим тайёрлашни хоҳлайсиз? Бунинг учун сизга нима керак?

Буюмни тайёрлаш учун энг олдин тикиладиган кийимнинг қиёфасини ўйлаб топиб, лойиҳасини чизиб олиш керак.

Мода журналларидағи тайёр андазаларга асосланиб, фотографардан бирини танлаб, ўз хоҳишиңгиз бўйича моделлаштиришингиз мумкин.



1. Фор-эскизлар тайёрлаб, уларни ўзаро таққосланг.

2. Узингизга ёққанларини танлаб олинг.

3. Қайси жойини ўзгартиргингиз келади? Энг чиройли чиқкан нусхаларни муҳокама қилинг.



1. Содда геометрик шаклли кийим намунаси бўйича ўз эскизларингизни тайёрланг.

2. Намуналар бўйича ўз фикрларингизни ўртага ташланг.

Эскиз тайёрлаб бўлгач, кийим моделини тайёрлашга керакли материалларни танлаб олиш лозим.

Юпқа ипак, түқимадан бошлаб, плаш материали, флис, драпгача хоҳлаган газламани фойдаланиш мумкин. Расми ва нақшларининг ҳам ўз ўрни бор. Мавсумий ёпинчиқ тиккингиз келса, унинг материали ва уни тайёрлаш турини танлашга чеклов қўйилмайди. Мато ёки трикотаж яхши букланадиган ва чўзилмайдиган бўлиши лозим. Зич тўқилган трикотаж, астарлик, турли вискоза ёки драп газлама ҳам бўлаверади.

Баҳор ва куз фаслида кийишга мўлжалланган пончо ёки кейпнинг юмшоқ, тукли жун матодан ишлангани қулай бўлади.

Ёзги пончо ва туникани ҳарир, енгил матодан тиккан маъқул.



Буюм тайёрлашга керакли материал, иш қуроллари ва асбоб-ускуналарни тайёрланг.

Бу кийимни тикиш учун ўлчамлари  $115 \times 115$  см бўлган мато керак.

Оддий тузилишда энг узун параметр – бўйиндан қўлнинг учигача бўлган узунлик асос қилиб олинади.



1. Ўйларингизни эскизга тушира олдингизми?
2. Эскизнинг қайси жойини ўзгартиргингиз келади?



Буюмнинг эскизи

## § 15. БЮОМНИ ЯСАШ. ҚИСМЛАРНИ БИЧИШ

### Лойиҳалаштириш Құрылымдау Конструирование Garment designing

Пальто-кейп, пончо ёки тунника ны ҳатто яңгидан ўрганувчилар ҳам тика олади. Энг асосиүсі – ярашадиган фасон танлаш. Энг оддий нұханинг бири – кераклы узунлик ва көнгликтегі матодан елка тикишиңиз буюм тайёрлаш.

**Мұхым!** Ҳар қандай усулни құлланыши вактида моделнің сиртқи құрнишины баҳолаш ва бүлажак ишларда ишонч ҳосил қилиш учун, аввал ишни масштабда бажариш тавсия этилади.



Нима деб үйлайсиз, тикув буюмининг тайёрланиш кетма-кетлеги қандай?

Буюм тайёрлаш учун чизмасиңи чизиб, андазасини олиш керак. Пончо, туниканинг андазаси яхлит бичилген, түғри, бурчаклары юмалоқ, түғри түрт бурчаклы ёки айлана құрнишида бўлади.

Бу оддий схема. Схеманы чизиш ва моделлаш вактида ярим айланана қўлланилади.

Үртадаги нұқтадан чапга ва ўнгга қараб навбат билан ўлчаб белгилаш:


1. 1/2 БЯ – бўйин ярим айланаси қўшув 0,5–1 см қўшимчаси;
2. ЕК – елка кенглиги;
3. Қу – қўл узунлиги.



Пончо, туникани моделлаш

Үлчовлар олингач, диаметр бўйича айланади. Масалан, агар пончо манжет ва ёқали бўлса, унда:

- олдинги ва орқа узунликнинг ёқа ўйиндиси чуқурлигини белгилаш;
- бўйин ўйиндиси чуқурлиги асосида қўшимча ёқа чизмасини чизиш;
- ўрта чизигининг юқори нуқтасидан пастга қараб бел чизиги ва кийим узунлиги ўрнини белгилаш;
- манжетни қўшиб тикиш нуқтасини белгилаш;
- манжет чизмасини чизиш;
- ёпинчиқнинг ён ва пастки қийими узунлигидан моделнинг ўзгалигини белгилаш;
- адип ва адипости чизикларини чизиш;
- хоҳишга кўра белбог ва чўнтак ўрнини белгилаш керак.



Пончо, туниканинг чизмаси


$$AA_1 = B_{ya} : 2 + K = 16 : 2 + 0,5 = 8,5$$

$$AA_2 = AA_1 : 3 = 8,5 : 3 = 2,8$$

$$AA_3 = B_{ya} : 4 + K = 16 : 2 + 1 = 9$$

$$A_1 A_4 = EK + Ky$$

$$AE = Ky = 70 \text{ см}$$



Пончо, туникани моделиллаш

**Пончо, кейп, туника тайёрлашга керакли газламани ҳисоблаш.**

Пончо, кейп, туника тикишга керакли газлама миқдори газламанинг эни ва моделига боғлиқ. Одатда газламаларнинг эни 90, 110, 140, баъзан эса 160 см бўлади.


Газламадан икки узунлик, яъни:  $2Ky + 15\ldots20$  см, агар газламанинг эни 140 см бўлса бир узунлик –  $Ky + 15\ldots20$  см олиш керак. Безаш учун мағиз, замок, кашта ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

## ХТ

Амалий ишни бажаришдан аввал хавфсизлик техникаси қоидаларини такрорланг.



1. Жадвалда кўрсатилгандай ўлчов олинг.
2. Эскиз бўйича буюмнинг чизмасини чизиб олинг.
3. Буюмни бичиш кетма-кетлигини қараб чиқинг.
4. Андаза тайёрланг.



Пончо, кейп ва бошқа ёпинчиқлар кийимларнинг кўплаган турлари билан яхши мослашади ва турли қоматларга ярашади.

Ўзгарувчан об-ҳавода улар пиджак ва кардиганнинг ўрнини босадиган стилли кийим бўлиб ҳисобланади.

Технологик усуллар ва буюмнинг тайёр тури муаллифнинг ижодкорлиги ва танланган материалнинг хусусиятига боғлиқ.

Кейпни баҳордан кузгача кийиш мумкин, шунинг учун газлама иссиқ (қалин) ва енгил бўлиши мумкин. Газлама кийимнинг қайси фаслга мўлжалланганига боғлиқ ҳолда танланади. Совуқ ҳавода драп, жун, барқут каби иссиқ газламаларни танлаган маъкул. Енгил (ёзги) турини зигир, ипак, атлас газламалардан тиккан мақсадга мувопиқ. Тикишни янгидан ўрганувчилар дастлабки моделни тикиш учун осон ишлов бериладиган газламани танлагани маъкул.

### Кейп чизмасининг тузилиши

№	Белги-ланиши	Кесимлар ва нуқталарнинг номланиши	Ҳисоблаш формуласи, см	Ҳисоби, см
1	ЖЕ	Қоғознинг чап бурчагининг юқори қисми ёки Ж нуқтасини ўнгга қараб кўндаланг чизик чизиш. Ку – елка чизиги. Ж нуқтасидан пастга тикка чизик юргизиш. Унинг узунлиги кийим узунлигига teng.	ЖЕ = Ку = 80	
2	ЖЖ <sub>1</sub>	Ж нуқтасидан ўнгга қараб кийим кенглигини ўлчаб, белгилаш.	КЯя II : 2 + КК <sub>1</sub>	44 : 2 + 3 = 25
3	ЖЖ <sub>1</sub> Е <sub>1</sub> Е	Буюмнинг ўнг томони пастки бурчагини қўшиб, тўғри бурчакли тўрт бурчак чизиш. У ЖЕ ва ЖЖ <sub>1</sub> нуқталари орқали Е <sub>1</sub> нуқтаси билан якунланади.		
4	ЖК	А нуқтасидан пастга ўрта чизик бўйлаб ўлчаб, К ҳарфи билан белгилаш, К нуқтасини кўндаланг чизик билан ён чизигини қўшиш. КК <sub>1</sub> – гавда чизиги.	КЯя II : 3 + 3	44 : 3 + 3 = 18
5	КК <sub>2</sub>	Ўрта чизигидан ўнгга қараб гавда чизигининг бўйидан ўлчаб, К <sub>2</sub> нуқтаси билан белгилаш. К <sub>2</sub> нуқтасидан юқорига қараб елка чизигигача тикка чизик юргизиш. Бу – елка кенглигининг чизиги.	КЯя II : 3 + К <sub>2</sub>	44 : 3 + 2,5 = 17,5
6	ЖЖ <sub>3</sub>	Ж нуқтасидан ўнгга қараб елка чизиги бўйлаб бўйин кенглигини ўлчаб қўйиш.	ЖЖ <sub>3</sub> = БЯя : 3+К <sub>3</sub>	18 : 3 + 1,5 = 7,5
7	ЖЖ <sub>4</sub>	Ж нуқтасидан пастга қараб ортки бўйининг бўйин ўймасини (чукурлигини) ўлчаб қўйиш. Ж <sub>3</sub> , Ж <sub>4</sub> нуқталарини равон эгри чизик билан қўшиш.	ЖЖ <sub>4</sub> = ЖЖ <sub>3</sub> : 3	7,5 : 3 = 2,5

Жадвалнинг давоми

**Кейп чизмасининг тузилиши**

№	Белги-ланиши	Кесимлар ва нуқталарнинг номланиши	Хисоблаш формуласи, см	Хисоби, см
8	$\text{ЖЖ}_5$	Ж нуқтасидан пастга қараб олдинги бўйнинг ёқа ўйндинсини ўлчаб қўйиш. $\text{Ж}_3, \text{Ж}_5$ нуқталарини равон эгри чизик орқали кўшиш.	$\text{ЖЖ}_5 = \text{БЯ} : 3 + \text{К}$	$18 : 3 + 2 = 8$
9	$\text{Ж}_2\text{Ж}_6$	Елка чизигидан пастга қараб елка эни чизиги бўйлаб 3 см-ли ўлчов олиш. Бу елкани пасайтириш нуқтаси.	$\text{Ж}_2\text{Ж}_6 = 3$	3
10	$\text{Ж}_3\text{Ж}_6$	Елка баландлигининг юқори нуқтасидан бошлаб, елкани пасайтириш нуқтасидан ўтадиган тўғри чизик юргизиб, уни елка эни чизигидан 1,5 см-га орттириб чўзиш.	$\text{Ж}_3\text{Ж}_6 + 1,5$	12
11	$\text{Ж}_6\text{К}_1$	Биқин чизиги. $\text{Ж}_6, \text{К}_1$ нуқталарини қавариқ чизик билан кўшиш.		
12	B	Қўлга мўлжалланган қийик ўрнининг нуқтаси.	$B = \text{Ж}_6\text{К}_1 : 2$	
13	$E_1E_2$	Буюмнинг пастки қисмини кенгайтириш учун $E_1$ нуқтасидан ўнгга қараб ўлчаб олиб, уни $E_2$ деб белгилаш. Тўғри чизик орқали $K_1$ ва $E_2$ нуқталарини кўшиш.	$E_1E_2 = 10 - 15$	
14	$BB_1$	B нуқтасидан пастга қараб $\text{Ж}_6E_2$ чизигидан 30 см ўлчаб, $B_1$ нуқтаси билан белгилаш. Бу – қийик ўрни.	30	
15	$E_2E_3$	$E_2$ нуқтасидан юқорига қараб $E_2K_1$ чизиги бўйлаб 8 см ўлчаб, уни $E_3$ деб, $EE_1$ кесмасининг ўртасини $E_4$ деб белгилаш. $E_3$ ва $E_4$ нуқталарини қавариқ чизик билан кўшиш.	$E_2E_3 = 8 - 10$	
16		Чизманинг асосини туташ чизик билан бостириб, чизиб чиқиш.		



5. Мато ва андазани би-чишга тайёрланг:

- матонинг ўнг томонини аниқланг;
- матонинг кўсти бор-йўқлиги ни кўриб чиқинг;
- декатирлаш (намлаб-иситиб ишлов бериш)дан ўтказинг;
- тукли матоларнинг тукининг йўналишини аниқлаб олинг;
- расмининг йўналишини аниқлаб олинг.

6. Матога андаза қисмларини жойлаштиринг.

7. Буюмни бичинг:

- расм йўналишини эътиборга олган ҳолда андазанинг жойлашишини;
- андазадаги стрелка ва матодаги бўйлама ип йўналишининг мос келишини;
- андаза қисми ўртасининг мато букламаси билан мос келишини;
- ҳамма қийқимларнинг четидан чок ҳақининг тўғри қолдирилишини;
- барча қисмларнинг бичилишини;
- назорат кертмасининг бўлишини;
- тикиш учун қолдирилган чок ҳақининг қирқилиб кетмаслигини текширгинг.

8. Буюмни ўлчаб кўришга тайёрланг.



1. Буюмга қанча газлама ке-тишини қандай ҳисобладингиз?

2. Бичиш вақтида қандай талабларни ҳисобга олиш керак?

3. Андаза қисмлари ва бичик қисмларнинг қандай фарқи бор?



Адип яхлит бичилган андаза

### Уч ўлчоевли тафаккур

Ижодкорлик жараёнида энг аввало газламанинг гавдага қулагилигини ўйлаштириш керак. Газламани ма-некеннига устига келтириб, таж-риба ўтказиб кўринг.

### Газлама ва силуэт

Моделларнинг бичилиши танланган газламага боғлиқ бўлади. Масалан, юпқа материални чироили бурма билан йигиш мумкин.

Газламани манекенга кийдириб ишлаш моделлар билан ишлашнинг бир усули. Бундай жараён вақтида газламанинг гавда қоматида қандай кўринишини назорат қила ола-сиз (эскизини чизиш вақтида буни фақатгина чамалаб, кўз олди-га келтириб, тасаввур қилиш мум-кин).



Кейп. Тайёр буюм

## § 16. ЯККА ҚИСМЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ. ҚИСМЛАРНИ БИРИКТИРИШ ВА БЮОМНИ БЕЗАШ

Адип  
Өңірасты  
Подборт  
Facing



Буюм эскизи



Газламага андаға қисмларини  
жойлаштириш

### Кейп

#### *Буюмни ўлчашга тайёрлаш*

1. Барча текшириш чизиқларини күчириш.
2. Кесикка очик жой қолдирған холда, назорат нұқталарини бириктириб, орқа томонидан елка ва ён қисмларини күклаш. Орқа ва олдинги қисм ёқа ўйиндисининг юқори нұқталари мос келиши керак.
3. Буюм этагини тескари томонига қараб қайириб күклаш.
4. Буюмни дастлабки кийиб (ўлчаб) күриш.

#### *Елка ва ён қийқимларига ишлов бериш*


1. Ён ва елка қийқимларини зигзаг чок билан тикиш ёки четларига йўрмаш машинасида ишлов бериш керак.
2. Ўйндиларга жой қолдирған холда ён ва елка қийқимларини қавиб тикиш.
3. Ён қийқими чокини айириб дазмоллаш.
4. Енг қийқимларини бостириб тикиш:
  - елка ва ён чокларининг тўғри юргизилганини;
  - ён ва елка қирқимларининг саранжом йўрмалишини;
  - ён ва елка қирқимларига иситиб-намлаб ишлов беришнинг пишиқлигини текширинг.


#### *Адипга ишлов бериш*

1. Адипни елим билан қотириш.
2. Адипнинг ички қирқимларига ишлов бериш.
3. Адипни магиз билан бириктириш. Чокни икки томонга айириб дазмоллаш.

**ХТ**

**Бажарилиш кетма-кетлиги**





4. Адипнинг ўнг томони билан олдинги бўйнинг ўнг томонига солиш, қирқимларини тенглаштирган ҳолда ўйинди, адип, этак чизиқлари бўйлаб қўшиб кўклаш.

5. Ўйинди, адип, этак чизиқлари бўйлаб йўрмаш. Чокни белгиланган чизиқдан 0,1–0,2 см пастдан юргизиш. Чок боши ва охирида 0,7–1,0 см бекитма қилиш.

6. Ўйинди бўйлаб чок ҳақини тикишга 0,1–0,15 см етказмай кертиб қийиш ва бурчагининг учини қийиш. Чок ҳақини адипга қараб ётқизиб дазмоллаш.

7. Адипни ўнгига ўгириб, чокларини текислаш. Олдинги бўй қисмидан 0,2 см чегаралаб, айлантириб кўклаш.

8. Адип томонидан чокни босиб дазмоллаш.

### **Буюмнинг пастки қирқимига ишлов бериш**

1. Этак қирқимига зигзаг чок билан ишлов бериш. Буюм этагини тескари томонига буқлаш, белгиланган чизиқ бўйлаб буқлаб кўклаш, яширин чок билан қайириб тикиш.

2. Адип қўшмасини кейп қўшмаси билан бирлаштириб тикиш. Босиб дазмоллаш.

Кейп бирдан кўзга ташланади, шунинг учун ортиқча нарсалар ва аксессуарлар керак эмас.

Бошқа кийимлар ва аксессуарларнинг ранги кейпдан ажралиб турмаслиги керак.



Тайёр буюм


*Кейплар турли мақсадларда қўлланилиши мумкин, шунинг учун уларни тайёрлашда безакли, қимматбаҳо газламалар, пальто ва плашга мўлжалланган материаллар ишлатилади.*

*Байрамона кийим турини тўлдирувчи кейп тўр, атлас, ипак, мўйна ва ҳоказолардан тикилиши мумкин.*

*Кейп туридаги пальтони тикиш учун кашемир, твид, драпнинг ва мовутнинг (сукно) ҳар хил турлари ишлатилади.*

*Пленкали материалдан тайёрланган, сув ўтказмайдиган плаш туридаги кейп ёмғирдан сақловчи кулай ва ишончли кийим туридир.*

## Туника



Буюмнинг лойиҳаси



Буюмни бичиш

### **Газламани тайёрлаш, бичиш**

1. Матони тайёрлаб олиш (ўлчо-ви  $115 \times 115$  см-ли квадрат қирқиб олиш мумкин).
2. Газлама доира шаклида бўлиши учун газламани икки буклаш. Буюмнинг узунligини ўлчаш.
3. Газламанинг тескари томонига керакли узунликда ярим доира чизиши.
4. Бичиш.
5. Ёқа ўйиндиси чизигини чизиш. Ёқа ўйиндисини қирқиши. Бел ва енгига асосий йўғон чизиқларни юргизиш.
6. Қирқимларига ёпиқ қирқимли букламали чок билан ёки қия мағиз билан ишлов бериш.

### **Икки букланган қия мағиз билан ёқа ўйиндиси қирқимини ўўрмаш кетма-кетлиги**

1.  $45^\circ$  бурчак ҳосил қилган ҳолда эни  $4,5-5$  см-ли қия мағиз қирқиб олиш.
2. Мағизни тескари томонидан ичига қаратиб, узунасига икки буклаш ва бостириб дазмоллаш.
3. Мағизни буюм (бир-бири билан ўнгини ёпишириш) билан биритириш, қирқимларни тенгглаштирган ҳолда қўшиб кўклаш.
4. Мағизни эни  $0,5-0,6$  см-ли чок билан қўшиб тикиш.
5. Мағизни буюмнинг тескари томонига қайриш, мағиздан  $0,5-0,6$  см-ли ҳошия билан айлантириб кўклаш.

6. Буюмнинг ўнг томонидан магизни қўшиб бостириб тикиш. Икки чок чизиги тўлиқ мос келиши шарт, жиякнинг чети тескари томонидан 0,1–0,2 см-га бирикиб туриши керак.

7. Босиб дазмоллаш. Кўклаш чокларини олиш ва яна бир марта босиб дазмоллаш:

- ёқа ўйиндисининг магиз энини;
- чокнинг тўғрилигини;
- намлаб-иситиб ишлов беришнинг пишиқ-пухталигини төкширинг.

Тайёр туникани безатиш учун безакли мато, тасма, мунчоқ, маржон, тўр, лента ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

## ХТ

Ишни бошлашдан аввал хавфсизлик қоидаларини тақорлаб олинг.



1. Буюмнинг қисмларини бирлаштиринг.
2. Тайёр буюмни олдин тескари томонидан, сўнгра ўнг томонидан текис қилиб дазмолланг.
3. Буюмга безак беринг. Бунинг учун керак бўладиган материал ва иш куролларини танлаб олинг.
4. Тайёр буюмнинг сифатини текшириб чиқинг.



1. Буюмни тайёrlаш вақтида қандай қийинчиликлар учради?
2. Нима муваффақиятли бўлди?



Буюм қирқимига ишлов бериш



Қия магизни қўшиб тикиш



Буюмнинг ўнг томонидан магизнинг четидан 0,1–0,2 см-га бостириб тикиш



Буюмга безак бериш

## § 17. БАЖАРИЛГАН ИШНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ, БАҲОЛАШ. ТАҚДИМОТ

**Мода намойиши  
Сән көрсетілімі  
Модный показ  
Fashion show**



Буюм тақдимоти



Тайёр ишни баҳолаб, таҳлил қилиш орқали унинг сифатини қандай қилиб яхшилаш мүмкін?

Тақдимот тайёрлаган вақтда тайёр ишни таҳлил қилиб, баҳолаш керак.



Ишларингизда акс этган гояларни таҳлил қилиб, баҳоланг.

1. Кийимнинг ташқи кўриниши харидорларни ўзига жалб қила оладими?
2. Кийим тикиш учун қандай материалдан фойдаландингиз? Нима учун шу материални олдингиз?
3. Ўз ишингизнинг аҳамиятига баҳо беринг.
4. Буюмни тайёрлаш давомида қандай тажрибаларга эга бўлдингиз?

Оддий геометрик шаклдаги кийимларнинг тақдимотини моделлар намойиши кўринишида ўтказишга бўлади. Тадбирни олдиндан режалаштириб, тўғри ташкиллаштириш керак, у аниқ аудиторияга йўналтирилиши керак.

Тақдимот материалларини (буклет, очиқ хат, альбом ва ҳ.к.) олдиндан тайёрлаб, меҳмонлар бемалол ола биладиган, кўринадиган жойга қўйиш керак.

АКТнинг ривожланиши онлайн-платформада (онлайн-форум, ижтимоий тармоқ ва ҳ.к.) дефиле ўтказишга имкон беради.



Синфдошларингиз билан биргаликда моделлар тақдимотини ташкиллаштиринг.

1. Тақдимот ўтадиган жойни тайёрланг.

2. Подиумни лойихалаштириб олинг. Эмблема (лейбл) тайёрлаб, подиумнинг қарсисига қўйинг. Саҳнани қандай безатиш мумкинлигини ўйланг.

3. Техник томондан қандай ёритиш (мусиқа, чироқ, интерфаол жиҳоз ва ҳ.к.) мумкинлигини аниқланг.

4. Моделлар қиёфасини, уларнинг чиқиш кетма-кетлигини ўйлаб кўринг.

5. Турли номинациялар тайёрлаб (моделнинг ўзига хослиги ёки материалдан ўзгача фойдаланиш ва ҳ.к.), мукофотлаш маросимини ўтказинг.



1. Ўқитувчингиз ва синфдошларингизнинг фикр-тавсиялари ишингизга қандай таъсир этди?

2. Тақдимот давомида нима муваффақиятли чиқди? Қандай қийинчиликлар бўлди?

3. Ўлаган ишингизни амалга ошира олдингизми?

4. Аудитория билан ўзаро алоқа ўрната олдингизми? Сиз учун фойдали таклиф ва фикрлар бўлдими?

5. Томошибинларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда хулоса чиқаринг.

6. Эгаллаган малака ва кўникумаларингиз келажақда керак бўладими?

### Ишни таништириш ғоялари



Фотосессия



Фотоколлаж



Дефиле

## **Ү И МАДАНИЯТИ**

**Бўлимни ўзлаштириш натижасида:**

- ижодий фикрингиизни ривожлантириш учун танлаб олган турли ахборот манбаларидан мустақил фойдалана оласиз;
- турли соҳа бўйича олган билимларингиздан интеръерни ташкиллаштириш, лойиҳалаш, безатиш давомида фойдалана оласиз;
- графиканинг турли воситаларидан фойдаланиб, график ва технологик хужжатларни тайёрлай оласиз;
- гоя, услугуб ва усулларни баҳолаб, таҳлил қилиш натижасида ўзингизнинг ва ўзгаларнинг ишларига мулоҳазали нуқтаи назардан ёндошиб, уни ривожлантиришга тааллуқли фикр, тавсияларингизни айти оласиз;
- буюмнинг сифатини баҳолаб, маҳсулотнинг сиртқи қиёфасига таъсир этувчи омилларни аниқлай оласиз;
- ўзингизнинг ва ўзгаларнинг ишига берган баҳоларингизни асослаб, уларнинг мақсади ва моҳиятини тавсифлай оласиз.



Ландшафт дизайнни (Нур-Султон ш.)

## § 18. ИНТЕРЬЕР / ЭКСТЕРЬЕРДАГИ ЛАНДШАФТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

**Экстеръер**  
**Exterior**  
**Экстеръер**  
**Exterior**  
**Экстеръер**  
**Exterior**

**Экстеръер** – ташқи шакл, бинонинг ташқи кўриниши, фасади.

*Меъморий объект илгаридан мавжуд бўлган майдонда яратилади. Шунинг учун бинонинг шакли ва ўлчами атроф муҳитга: кўчалар, бинолар, табиатга боғлиқ бўлади.*

*Янги бино шу муҳитда ўз ўрнини згаллаиди ва ўзининг ичидаги яна бир макон – интеръер маконини яратади. Ўз навбатида интеръер мебель ва безак элементлари билан тўлдирилади.*

*Шу тариқа ташқи макондан ички макон қуриласи ва уларнинг ажралмас тизими – экстеръер ва интеръернинг ўзаро ўйгунилиги яратилади.*

*Интеръер ва экстеръер бир-буни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тўғри лойиҳалаштирилган ўйда бу алоқа сезилмаслиги мумкин.*

*Интеръер ва экстеръер дизайнининг асосий тушунчалари – стиль ва ўналиш.*



Интеръер, уни безатиш йўллари ҳақида билганларингизни эслаб, айтиб беринг.

Меъморчиликда бўлажак бинони лойиҳалашда интеръер бинонинг ташқи қиёфаси – экстеръер билан бирлашган ҳолда қаралади. Бу жуда муҳим – бинонинг ички кўриниши ҳам, ташқи кўриниши ҳам ўзаро ҳамоҳанг бўлиши керак.

Экстеръер дизайни функционал ва бадиий ғоялар, ечимлар бирлигига асосланган. Бу инсон ҳаётининг шарт-шароитини яхлит, эстетик жиҳатдан мукаммал шаклда такомиллаштиришга қаратилган.

Экстеръер тушунчаси нафақат меъморчиликни, балки ландшафтни ҳам ўз ичига олади.


Пергола (соябон), шийпон, пешайвон, паст ландшафт деворлари, тош йўллар, чироқлар, кўчатлар ва шу сингари бошқа элементлар интеръер ва экстеръер орасида узвий боғлиқлик ўрнатишга ёрдам беради.



1. Тасвиirlарни кўриб чиқинг. Бинонинг ташқи кўриниши ва ички хоналарнинг дизайнини тақосланг.

2. Берилган экстеръерга мос интеръерни топинг. Жадвални тўлдиринг.

3. Меъморлар билан дизайнерлар бинонинг ичи ва сиртнинг тўлиқ бирлашувига, ўзаро алоқа ўрнатилишига эришиш учун қандай воситалардан фойдаланганлигини аниқланг.



**Экстерьер**

**Интерьер**

# Ландшафт

# Ландшафт

# Ландшафт

## Landscape



Классик услугбадаги ландшафт дизайни



Шарқий услугбадаги ландшафт дизайни



Хай-тек услугбидаги ландшафт дизайни



Сизнингча, ўсимликлар интерьер элементи сифатида қандай вазифаларни баражаради?

Ландшафт дизайнни турли саҳнларда: интерьерда (хона, мактаб ошхонаси, ўкув хонаси в.б.), экстерьерда (богда, паркда, мактаб томорқасида в.б.) чиройли ва қулай муҳит яратишга йўналтирилган фаолиятдир.

Дизайннинг ҳар бир йўналишида қўлланиладиган шакллар ва элементлар, материаллар ва ўсимликлар билан фарқ қилувчи турли услугблар шакллантирилди.

Замонавий ландшафт дизайнни бўйича кантри, классика, хайтек, экологик, этник ва шу сингари услублар мавжуд.

Ландшафт элементларига шийлонча, айвон, соябон, ҳайкал фигуранлар, турли материаллардан тайёрланган скамейкалар, тоғ жинслари, сунъий сув ҳавзалари, ҳовузлар, майсазорлар, панжаралар ва бошқалар киради. Элементлар танлови майдоннинг ўлчами, дизайнернинг эстетик диди ва услубий йўналишга боғлиқ бўлади.



1. Расмларни кўриб чиқинг.
2. Интерьер ва экстерьердаги ландшафт элементларини атанг.

Ландшафт дизайнининг энг ёрқин элементларидан бири – гуллар.

Интерьерни ташкил этишда гулдон тагликлари муҳим роль йўнайди.

Тўғри танланган гулдан таглиги:

- гулларнинг ўсиб, ривожланиши учун қулай шароит яратади;
- хонадаги жойни тежаш имконини беради;
- интерьернинг бир қисми бўлиб, маълум бир услубни таъкидлайди.

Тагликларнинг турлари: осма, ерда турадиган ва деворга илинадиган. Гулзорлар ва гул тўшакларини ташкил этишнинг турли усуллари мавжуд.

Экстерьер ландшафтини гулжијак, гулзор, «Альп тепаликлари», бир йиллик гуллардан ясалган ҳошия билан безатиш мумкин. Ўсимликларни танлаганда уларнинг баландлиги, новдаларнинг тузилиши, ранги, гулларининг ўлчами, гуллаш вақти, сугоришга бўлган эҳтиёжи ва совуқча чидамлилигини ҳисобга олиш керак. Периметр бўйлаб қуёш нурлари таъсирини юмшатадиган ва табиий соя яратадиган йирик дараҳтлар ва буталар экиш, ўсимликлардан панжара ясашни режалаштириш мумкин.



1. Интерьер ва экстерьер ландшафтини қандай қилиб безатиш мумкинлигини ўйлаб кўринг.

2. Уларни гуруҳда муҳокама қилинг, синфдошларингиз билан фикрингизни ўртоқлашинг.

3. Сизнинг ғоянгизни амалга ошириш учун қандай қўлда бор материаллардан фойдаланиш мумкин?

4. Сизнинг шаҳрингиздаги экстерьерлик ландшафт дизайнига мисоллар келтиринг.



Интерьердаги ландшафт элементлари



Экстерьердаги ландшафт элементлари

## Ландшафт дизайни



1. Тасвирларни күриб чиқинг.
2. Ландшафт дизайнини яратышда қандай усуллардан фойдаланилган?



Нуржол сувли яшил бульвари.  
Нур-Султон ш.



Биринчи Президент бөгүү.  
Алмати ш.



Топиар. Павлодар ш.



Гулли соат. Атирау ш.



1. Ландшафт дизайни ҳақида нималарни билдингиз? Бу маълумотларнинг сизга фойдаси борми?
2. Замонавий меъморчилик санъатида ландшафт дизайнининг роли қандай, деб ўйлайсиз?

## § 19. ИЖОДИЙ ҒОЯНИ ВИЗУАЛЛАШ

### Визуаллаш Визуалдау Визуализация Visualization

*Турли хил усуллар билан амалга ошириладиган визуаллаш – мөймөр ҳаёлидаги ғоянинг ҳақиқий ҳаётда ўз аксини топишига олиб келадиган еоситалардан бир.*



Лотос ибодатхонаси. Нью-Дели ш.,  
Ҳиндистон

*Ҳар бир мөймөрчилик ғояси маълум бир турда, аниқ услубда ўз кўринишини топади, ҳар қайсисининг ўзига хос етказадиган мустақил ўзи, гўзаллик хусусияти бўлади.*



«Хан Шатир» мажмуаси,  
Нур-Султон ш.



«Меъморчилик – маконнинг композицион ташкил этилиши» деган ифодани қандай тушунасиз?

Визуаллаш ғояни, фикрни кўпчиликка тезда етказиб беришга ёрдам беради. Ҳар қандай меъморий иншоот фикрий ғоялар маҳсулидир. Ҳатто ички муҳитнинг энг оддий қисми ҳам биринчи навбатда ғоя сифатида пайдо бўлади, фақат шундан кейин тасаввур қилинади – аниқ бир оптик тасвир сифатида гавдаланади.

Меъморий ғояда иншоотнинг стили, вазифаси, ўлчами, безатилиши бўйича муаллифнинг фикри ўз аксини топади.

Унда ғоя муаллифнинг диidi, мода, технологиялар, материаллар, иқлим билан шаклланади.

Ички макон – бу бинонинг ўйланган ва амалга оширилган воқелиги. Шу сабабли, бинонинг қурилиши унинг ички қисмидан, лойиҳасини ишлаб чиқишдан бошланади. Аввалига у қурилиш режасига, режа эса ҳажмлар ва фасадларнинг умумий композициясига айланади.

Бинонинг фасади унинг мақсадини – иншоотнинг қандай иш фа-



Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, «Меъморий дурданалар» мавзусида альбом тайёрланг. Муаллифлар меъморий қиёфалар орқали қандай ғояларни ифода этдилар? Уз фикрингизни синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.

лиятига мүлжалланғанлыгини на-  
мойиш қилиши мүмкін.

Интерьернинг ички макони икки-  
та йұналишда қаралади:

1. Ёпиқ макон нұқтаи назаридан:  
декор, мебель.

2. Интерьернинг ички макони ва  
ташқи макон нұқтаи назаридан:  
табиат, ландшафт ва атроф-му-  
хит.

Ички макон ва ташқи ҳажмлар-  
нинг ўзаро үйғунлiği бевосита  
тайёр бинонинг функционал мақ-  
садига ва бадий образига боғлиқ  
бўлади.



1. Санъатдаги услублар ва  
йұналишлар ҳақида билади-  
ганингизни эсга туширинг.  
Услублар ва йұналишларни  
қандай белгилари бўйича аниқ-  
лашга бўлади?

2. Намуна бўйича жадвални  
тўлдиринг.

3. «Меъморчилик санъати. Ус-  
лублар ва йұналишлар» мавзу-  
сида тақдимот тайёrlанг.

4. Турли ахборот манбаларидан  
фойдаланиб, ўзлаштирган  
услубларнинг ҳақида маълу-  
мот тўпланг.



Париждаги Лувр пирамидаси.  
Экстерьер

Меъмор ўз ижодкорлигига асос-  
ланиб, инсоннинг яшаш мұхитини  
лойихалаشتирган ҳолда, қурилиш  
иншоотлари орқали гўзаллик ҳа-  
қидаги тушунчасидан хабардор қи-  
лади.



Париждаги Лувр пирамидаси.  
Интерьер

№	Меъморчилик услублари	Хусусий белгилари
1	Классик	Симметрия, қатъий ритм, байрамона безакли
2	Модерн	
3		

*Одатда, интерьер дизайнини ло-  
йиҳалаш қўйидагиларни ўз ичига  
олади:*

1. Бўшликни минтақаларга бўлиш.
2. Эскиз (дизайн асоси) чизиш.
3. Ишчи лойиҳа (технологик ҳуж-  
жатларни ишлаб чиқиш: чизма, схе-  
ма, смета) тайёрлаш.
4. Макет яратиш (тасаввур қилиш).
5. Материал танлаш.
6. Амалга ошириш.



Интерьер дизайнининг эскизлари

*Минтақаларга бўлиш – бинонинг  
асосий услубини сақлаган ҳолда  
жойни маълум бир худудларга бў-  
лувчи безак усули.*

Дизайн лойиҳасини график усул-  
да қўлда, шунингдек маҳсус дас-  
турлар ёрдамида компьютерда ба-  
жариш мумкин.

Дизайн лойиҳаси пландан бош-  
ланади, майдон планинг эскизи  
чизилади. Эскиз юмшоқ қалам билан шаффофф қоғозда бажарила-  
ди.

Дизайннинг барча элементла-  
ри бир-бирига мувофиқ бўлиши  
муҳим. Улар бир хил услубда ва  
бир-бирига мос келадиган мате-  
риаллардан тайёрланиши керак.



1. а) ўз хонангизнинг;  
б) мактаб кабинетининг; в) дам олиш жойининг (танлов бўйича)  
интерьерининг дизайн-loyiҳаси  
режалаштиринг.

Унда ландшафт дизайнининг  
қандай элементларидан фой-  
даланиш мумкинлигини ўйлаб  
куринг.

2. Эскизини чизинг.

Замонавий бинолар билан та-  
биий муҳитнинг ҳамоҳанглиги –  
меъморчилик санъатининг дол-  
зарб мавзуси ва ландшафт дизай-  
нининг асосий вазифаларидан би-  
ридир.

Ландшафт дизайнни ўзида санъат  
ва илм-фан элементларини му-  
жассамлаштиради. Шунинг учун  
меъмор-дизайнер ва ландшафт  
дизайнери турли соҳалар бўйича  
билимга, ижодий ёндашувга, юқо-  
ри даражали бадиий ва фазовий  
тафаккурга эга бўлиши керак.

Ландшафт дизайнининг элементлари очиқ ва ёпиқ ландшафт маконларини безатишга мүлжалланган.

Интерьерни безатиш учун фитодизайн құлланилади. Бунда жонли үсімліктерден фойдаланилади. Фитодизайннинг бир тури – вертикаль күкаласырлаштиришdir.

Гулдонлар деворлар ва устунлардаги токчаларға қойилади, декоратив панжараларға, ойнаванд парлеворларға үрнатылади. Улар чирмашиб үсадиган гулларға тирак бўлиб хизмат қиласи ва маконни ҳудудларға бўлиш вазифасини бажаради.



1. Мактаб ҳовлисидаги ерни ёки дам олиш жойини бир неча ҳудудларга бўлинг.
2. Қандай кўчат ўтказишингизни аниқлаб олининг.
3. Уларни қандай жойлаштиришингизни режаланг.
4. Лойиҳа планининг эскизини чизинг.

Ландшафт дизайни – ландшафт ёки органик меъморчилик соҳаси. Замонавий иншоотлар табиат пейзажига мувофиқ бўлиб, унинг табиий давомига айланган. Органик меъморчилик асосида одам ва табиат орасидаги уйғунлик ифодаланади.




1. Ландшафт дизайни қандай вазифани бажаради?
2. Нима сабабли меъморий иншоотлар қулай бўлиши билан биргаликда, гўзал ҳам бўлиши керак?



Флорариум



Кичик боғ



Органик меъморчилик.  
Шаршара устидаги уй.  
Пенсильвания, АҚШ

## § 20. ИНТЕРЬЕРНИ БАЙРАМОНА БЕЗАТИШ

### Байрам Мереке Праздник Holiday

*Декор безатишнинг бир усули сифатида меъморчилик санъати ва дизайнга қадар пайдо бўлган.*

*Инсоният жуда қадимданоқ теварик-атрофининг чиройли, кўркам бўлишини истаган.*

*Дастлабки жамоа тузуми вақтида ҳунармандлар идиш-товоқларга ўймакорлик билан нақш чизиб, тошдан, ҳайвонларнинг озиқ тишларидан тақинчоқлар ясашган. Ўша вақтнинг ўзидаёқ уйларни турли ёзувлар билан кўркамлаштириб, тошга, ёғочга нақш чизишган.*

*Кейинчалик, инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда техника пайдо бўлиб, безатишнинг муҳим усуллари қўлланила бошлади.*

*«Декор» сўзи (лотинча *decoro* – «безатаман») бинони (фасад, интерьер) ёки буюмни безатиш тизими деган маънода қўлланилади.*



Интерьерни байрамона безатиш



Қандай қилиб интерьерда байрамона муҳит ҳосил қилиш мумкин?

Байрамга тайёргарлик пайтида энг аввало бинони безатиш зарур. Шундагина байрамона кайфият ҳосил бўлиб, байрам иштирокчиларини кўтаринки ҳиссиёт эгаллади.

Бинони байрамона безатишда интерьернинг умумий дизайн, ранги ва услубини эътиборга олиш зарур.

Интерьерни безатишда қандай байрам эканлигини, хонанинг ўзига хослигини назарда тутиш лозим.

Шунинг учун безатишнинг режалойиҳасини ўйлаштиришда қўидагилар инобатга олинади:

1. Байрамнинг мавзуси – қандай байрамга мўлжаллаб безатилиши.
  2. Байрамга қатнашадиган одамлар – байрамнинг кимларга мўлжалланганлиги.
  3. Байрам ўтадиган жой – бинонинг ўзига хослиги.
  4. Интерьерни безатиш учун қўлланиладиган буюмларни ва улардан қандай фойдаланиш лозимлиги.
  5. Безатиш жойлари – шифт, девор, дераза, парда, эшик, жиҳоз ва ҳоказолар.
  6. Ёруғликнинг тушиши.
- Қўшимча ёруғлик ёки ёруғлик таассуратлари (эффект) керак бўлиши мумкин.



1. Суратларни күриб чиқинг.
2. Интерьерни байрамона безатишда қандай безак буюмлары құлланилған?
3. Бинолар қандай байрамга мослаб безатилған?



Интерьерни байрамона безатишига мүлжалланган декор турлари

Интерьерни байрамона безатишида шар, гул, газлама, қоғоз, чироқдан фойдаланилади.

Уларни турлича мослаштириш мүмкін: ранг-баранг шамлар ва шарлардан, янги гуллардан ишланган композиция; қоғоз помпон, фантлар, турли панно, аппликация, инсталляция, матога туширилген нақшлар; гулдан ишланган контурлар, фотохудуд, безакдор вазалар, 3D ёзиш ва ҳоказа.

Безатишига мүлжалланган буюмларни құлда бор материаллардан фойдаланиб, ясаб олишга ҳам бўлади. Энг муҳими, уларни ўзаро мослаштириб, композиция яратади олиш керак.



Композиция тушунчасини эсингизга туширинг. Үз сўзингиз билан айтиб беринг.



«Байрамга тайёргарлик» мавзусида тақдимот тайёрланг. Интерьерни безатишида қандай ғоялардан фойдаланиш мүмкін? Уйғунлик ва композиция масаласини қандай ифода этасиз? Қарорингизни синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.

Безатиш учун энг аввало байрамнинг қаерда ўтишига аҳамият берилади. Бино (хона) унинг кўлами, интерьернинг ранги, ёритилиши, тадбирнинг очиқ осмон остида ёки бинонинг ичидаги ўтиши ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда турлича безатилади.

Безатиш вақтида безакларнинг хавфсиз бўлишига эътибор бериш зарур: ўткир ва тез синувчан шиша ва ойнали мосламалар бўлмаслиги керак.

Безатиш учун тез ўрнатиладиган ва тез олиб ташланадиган, енгил нарсалардан (қурилмалар) фойдаланган маъқул.

Интерьерни безатишга киришишдан олдин ўй ва фикрингизни жамлаб олинг.

Ўй ва фикр – бўлажак композициянинг асосий гояси.

Ўйлаштирилган режани аниқ шакл ва образда амалга ошириш учун дизайннинг аниқ қоидалари ва усулларига асосланиш керак. Шу орқали чиройли композиция яратиш мумкин.



Интерьерни байрамга мос безатинг.

1. Интерьерни байрамга мос (тандов бўйича) безатишнинг бадиий ва композицион ечимларини аниқланг.

2. Эскизли лойиха яратинг.

3. Безак буюмларни тайёрлашга керакли материаллар ва асбоб-ускуналарни танлаб олинг.

4. Ўз ишларингизни ва синдошларингизнинг ишларини баҳоланг.



1. Интерьерни байрамона безатишда қандай тамоилиларни биринчи ўринга қўйиш керак?

2. Ўз фикрларингизни амалга ошира олдингизми?

Үйгунлик – гармония (грекча *harmonia* – боғланиш, мутаносиблик, ҳамоҳанглик) – қисмларнинг мутаносиб бўлиши, турли бўлакларнинг яхлитликни ҳосил қилиши.

Үйгунлик гўзалликни таърифлашда қўлланилади.

Дизайндаги үйгунлик – композиция яратувчи қисмларнинг бир-бирига ўзаро мувофиқлиги.



Интерьерни байрамона безатишга мўлжалланган декор турлари

## **ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ**

### **• Умумий**

иш давомида:

1. Махсус кийимни кийиб, рўмол ўраб олинг.
2. Асбоб-ускунани вазифасиига кўра ишлатинг. Қандай фойдаланишини билмайдиган ускуналарни ишлатманг.
3. Бузилган ёки яроқсиз қуроллардан фойдаланманг.
4. Иш давомида ускуналардан қоидага мувофиқ фойдаланинг.
5. Асбоб-ускуналарни ўз ўрнига қўйинг.
6. Асбоб-ускунадан ўқитувчи ўргатганидай қилиб фойдаланинг.

### **• Гилам тўқиши пайтида**

иш давомида:

1. Иш ўрни қулай бўлиши керак, табиий ёки сунъий ёруғлик тушиб туриши керак. Ёруғлик чап томондан ёки олдинги томондан тушиши керак.
2. Асбоб-ускунадан, иш куролидан мақсадли фойдаланиш керак.
3. Иш ўрнини тоза ва озода тутинг.
4. 30–40 минут ишлагандан кейин албатта дам олинг.
5. Стулда ҳоматингизни тик тутиб ўтиринг, орқаларингиз ўриндиқнинг орқасига тегиб туриши керак.
6. Кўз билан буюмнинг оралиғи тахминан 30 см бўлиши керак.
7. Иш давомида тана ҳолатни вақти-вақти билан ўзгартириб турниш позим.

ишни якунлагандан сўнг:

1. Иш ўрнингизни тартибига келтиринг.
2. Махсус кийимларингизни ечиб, қўлларингизни тозалаб ювинг.

### **• Газлама билан ишлаган пайтда**

иш давомида:

1. Игнани ўз ўрнида (ёстиқчада, махсус қутичада ва ҳ.к.) сақланг, иш жойида қолдириб кетманг.
2. Занглаб қолган игна ёки тўғногични ишлатманг.
3. Қўл игнадан фойдаланган вақтда ангишвона кийиб олинг.
4. Газламага андазаларни тўғногичларнинг ўткир учи билан ўзингиздан тескари йўналишда қаданг.
5. Қайчини ўз жойига ёпиқ ҳолда қўйинг, бир-бирингизга ёпиқ ҳолатда, тутқичини олдинга қаратиб узатинг.

6. Тикув машинасига ишлаб турган пайтида энгашманг.
7. Жароқатлаб олмаслик учун құлларингизни тикув машинасининг тагига олиб борманг.
8. Ипни қайчи ёрдамида қирқинг.

ишни битиргандан сүнг:

1. Тикув машинасини токдан ажратинг.
2. Асбоб-ускуналарни йиғиб, иш үрнини тартибга келтириңг.
3. Махсус кийимларингизни ечиб, құлларингизни тозалаб ювинг.

#### • Электр дазмолда ишлаган пайтда

ишни бошлашдан олдин:

1. Дазмолнинг вилкаси ва электр симининг бутунлигини текшириңг.
2. Дазмол тагига қўйиладиган иссиққа чидамли махсус таглик, диэлектрик гиламча борлигига аҳамият беринг.

иш вақтида:

1. Электр дазмолни фақат қуруқ қўл билан электр токига уланг ва узинг.
2. Иш вақтидаги қисқа танаффусда электр дазмолни иссиққа чидамли тагликка қўйинг.
3. Қизиб турган дазмолнинг электр шнурига тегмаслигини назорат қилинг.
4. Қўлни куйдириб олмаслик учун қизиб турган дазмолнинг металл қисмига тегманг ва газламани ҳаддан ташқари кўп намламанг.
5. Электр токига уланган дазмолни назоратсиз қолдирманг.
6. Дазмолнинг нормал ишлашини назорат қилинг ва иш тугагач, уни вилкасидан ушлаб тортиб, электр токидан ажратиб қўйинг.

ишни якунлагандан сүнг:

1. Электр дазмолни токдан ажратинг.
2. Иш үрнини тартибга келтириңг.
3. Махсус кийимингизни алмаштириб, қўлингизни яхшилаб совуллаб ювинг.

#### • Қайчи билан ишлаган вақтида

1. Қайчини ўз үрнида (махсус қутичада ёки ғилофда) сакланг.
2. Қайчи очиқ қолмасин, юзи ўзингиздан тескари қараб турсин.

3. Қайчини бир-бирингизга ёпиқ ҳолатда, тутқичини олдинга қаратиб узатинг.

4. Иш битгач, қайчини маҳсус қутичага солиб қўйинг.

• **Қўл ишларини бажарган вақтда**

ишни бошлашдан олдин:

1. Игна ва тўғноғичларни санаб олинг.

2. Асбоб-ускуналарни ўз ўрнига қўйинг.

иш давомида:

1. Эҳтиёт бўлинг.

2. Қўл игнадан фойдаланган пайтда ангишвона кийиб олинг.

3. Игна ва тўғноғичларни игна қутига солиб қўйинг.

4. Қайчининг юзлари очик қолмасин, ўнг томонингизда юзи ўзингиздан тескари қараб турсин.

5. Қайчини бир-бирингизга ёпиқ ҳолатда узатинг.

иш битгандан сўнг:

1. Игна қутичасидаги игна ва тўғноғичларни санаб чиқинг (иш бошланганда нечта игна бўлса, иш тугаганда ҳам шунча игна бўлиши керак).

2. Иш ўрнини тартибга келтиринг.

## ЛУФАТ

### Манзарали-амалий санъат

**Басқур** – кигиз уйни безатишга мүлжалланган түқилган тасма. Текис түкимачилик усули билан ишланади.

**Бау** – попукли, түқилган нақшли тасма.

**Гилам** – безак ва хонани совуқдан сақлаш учун фойдаланиладиган бадиий түкима буюм.

**Интервью** – радио ёки телевидение орқали намойиш этишга нашр қилишга мүлжалланган сұхбат.

**Моки** – ичида үралган, мустаҳкамланган или бор, овал, узунчоқ ғалтак.

**Репортаж** – нашриёт воситалари, радио, телевидение орқали бериладиган, бўлиб ўтган ҳодиса, кундаликдаги воқеалар ҳақидаги хабар.

**Сирмақ** – кигизнинг пишиқ қаторидан қирқиб олинган андазаси бир хил, ранги ҳар хил икки тасвирили асосга тикиладиган ва полга тушаладиган жундан босилган буюм.

**Текемет** – устки қисмига турли рангдаги нақш бостирилган жундан тайёрланган кигиз. Сирмаққа қараганда текеметнинг ясалиши осон ва нақшларининг шакли аниқ кўзга ташланмайди.

**Тускигиз** – интеръер безагининг элементи, кигизга баҳмалдан (барқут) ўйилган нақш тикиб (аппликация) безатилган, деворга илинадиган гилам.

**Түкимачилик** – хунармандчиликнинг қадимий туридан бири, түкима матонинг тайёрланиш жараёни.

**Фоторепортаж** – фотосурат воситалари билан тайёрланган ахборот.

**Хуржун** – мато ёки чармдан тикилган, турли нарса олиб юришга мүлжалланган буюм.

**Шолча** – терма ва кежим териш (бұқар теру) усулида кичик ўлчамли дастгоҳларда тайёрланган нақшли түкима тасмаларни қирқиб, кейин узунлиги бўйича бириктириб, тайёрланган туксиз гилам.

**Ўрмак** – шолча, қоп, басқур ва бошқа түқишга мүлжалланган маҳаллий дастгоҳ.

## Дизайн ва технология

**Аксессуар** – бош кийим, оёқ кийим, пайпоқ маҳсулотлари, шарф, рўмол, галстук, қўлқоп сингари либосга қўшимча буюмлар.

**Ансамбль** – одамнинг қиёфаси билан мувофиқлашиб, яхлит гўзллик сифатида танланиб олинган, бир-бирини тўлдирадиган кийим ва буюмларнинг уйғунлиги.

**Визаж** – одам ташки қиёфасининг макияж ва соч турмаги билан мослиги.

**Визажист** – макияж соҳасининг мутахассиси, макияж воситалари орқали қиёфа яратувчи.

**Гардероб** – алоҳида одамга хос, ташки қиёфаси ва кундалик ҳаётига мос, турли вазиятлар (иш, дам олиш, байрам, тантана ва ҳ.к.)га мўлжалланган ўзаро мувофиқлашган кийим ва аксессуарлар тўпладами.

**Демакияж** – косметикани ўчириш, терини тозалаш.

**Дефиле** – коллекцияни кўрсатиш давомида томошабинларга кийим намуналарини тақдим этиш.

**Ёпинчиқ** – енгиз сиртқи кийим.

**Комплект** – бир неча буюмнинг яхлит мажмуи. Бир-бири билан услуби, тури, ранги мослашган пальто ва кўйлак, костюм ва пальто, кофта ва юбка, свитер, шим ва нимчадан комплект тузилиши мумкин.

**Кейп** – ёнида қўлга мўлжалланган ўйиклари бор, эркин намунадана ги пальто-ёпинчиқ.

**Кийим коллекцияси** – услугига кўра бириктирилган кийим-кечаклар.

**Концепция** – бир нарса ҳақида кўзқарашлар тизими, асосий ғоя, мөқият.

**Кутюрье** – мода санаотидаги модельер-рассом.

**Макияж** – косметик воситалар ёрдамида юзга пардоз бериш.

**Мода** – маълум бир вақтгача аниқ бир ижтимоий мұхитда устувор бўладиган дид ва қизиқишлилар мажмуи.

**Пончо** – тўғри тўртбурчакли ёки ярим айлана туридаги сиртқи кийим.

**Ранг бериш** – турли ранг берувчи воситалар (шампунь, крем, гель, бальзам) ёрдамида сочни маълум бир рангга бўяш.

**Стилист** – соч намунаси (сартарош-стилист, топ-стилист), макијаж (стилист-визажист), кийим (стилист-имиджмейкер), фотообраз (фотограф-стилист) орқали стиль (имидж)ни шакллантирувчи мутахассис.

**Эклектика** – турли стилларнинг аралашиши, бир неча стиль, концепция, гоянинг биргаликда қўлланилиши.

### Уй маданияти

**Акцент** – композициянинг асосий мазмуни, самарали қисми. Ўсимликлар олами, чизиқларнинг ғайриоддий ечими ва ранглар мослиги билан берилиши мумкин.

**«Альп тепалиги»** – тошлоқ ерларнинг ўсимликт билан мослаштирилган ландшафтли қурилиши.

**Ансамбль** (ландшафт) – ландшафт дизайnidаги иншоат, сув ҳавзлари, ўсимликлар ва бошқа элементлардан тузилиб, яхлит бадиий композиция ташкил этувчи мажмуа.

**Арка** – икки тик устунга жойлаштирилган меъморий дарвоза.

**Меъморчилик элементлари** – ер майдонининг умумий ландшафтига мослашган бинолар ва қурилишлар.

**Бонсай** – паст бўйли дараҳтлар ўстириш санъати.

**Гулжияк** – боғча, дарвоза ёки ҳовли чегаралари бўйлаб ингичка йўлакча тарзида экиладиган гул майдончалари.

**Гулзор** – боғни ёки соябоғни манзарали гуллар билан безатишнинг асосий элементларидан бири. Шакли бўйича гулзор манзарали гуллайдиган ўсимликлар экилган ёпиқ ихчам элемент. Гулзор турли шаклда, асосан квадрат ва доира шаклида бўлади.

**Гулчамбар синчи** – гуллардан гулчамбар (безаклар) ясашга бағишлиланган, табиий ва техник материалдан ясалган конструкция.

**Декоратор** – интеръерни безатадиган малакали мутахассис.

**Жияк, ҳошия** – боғ, соябоғ йўлларини ва бошқа майдонларни йўлак кўринишида экилган баланд бўлмаган манзарали ўсимликлар билан безатиш.

**Ландшафт** – таркибий қисмлари ўзаро боғланишда бўладиган табиий чегаралари мавжуд мажмуа.

**Ландшафт дизайнери** – ландшафт (боғ, хиёбон, ер участкалари ва ҳ.к.)ни лойиҳалайдиган мутахассис.

**Ландшафт дизайни** – ландшафт мөймөрчилигининг усуллари ва воситалари билан мавзувий-маконли муҳит шакллантиришга, маданий ландшафтнинг қисмларини бадиий биректиришга йўналтирилган ижодий фаолият.

**Ландшафт мөймөрчилиги** – очиқ макон мөймөрчилиги. Уни ташкил этишда табиий элементлар ва ташқи ободончилик элементлари етакчи роль ўйнайди. Ландшафт мөймөрчилигининг маҳсус материалларига рельеф, яшил ҳудудлар, гуллар, сув, кичик мөйморий шакллар киради.

**Минтақаларга бўлиш** – хонанинг умумий маконини функционал минтақаларга бўлиш орқали безаш усули.

**Органик мөймөрчилик** – XX аср мөймөрчилик санъатидаги йўналиш. Бўлак бутунга қандай таалуқли бўлса, бутун ҳам бўлакка шундай тегишли эканини кўрсатувчи фалсафий қарашдаги яхлитлик ушбу йўналишнинг асоси ҳисобланади. Бу йўналишга XIX асрнинг 90-йиллари американлик мөймор Луис Генри Салливен (1856–1924) асос солди.

**Пергола** – шоҳ-шаббалар ёки такрорланувчан нарсалардан (тиргак, дарвоза, устунлар) бруслар ёрдамида қурилган, чирмовуқлар билан ёпилган бостирма (соябон).

**Пешайвон (терраса)** – устунлар устига ёпилган томи бор майдон кўринишидаги, уйга тақаб солинган иншоот.

**Рокарий** – ландшафт дизайнининг замонавий элементи, оддий гулзор ва тошлардан тузилган тошлоқ боғ.

**Сопол хум** – гулдон ёки манзарали сават шаклига эга бўлган, табиий гулларга мўлжалланган тупроқ солинган идиш.

**Табиий чорбоғ** – дарахт ва буталарни бир хил шаклдаги геометрик шаклда қирқиб, боғни манзарали ўраш.

**Тошли девор** – тош ва гуллардан тузилган ландшафт композицияси.

**Тош тўшама** – ободонлаштириш мақсадида сўқмоқ, йўлак ва бошқа йўлларни тош билан қоплаш.

**Топиари санъати** – буталар ва дарахтларни фигурали буташ санъати.

**Флорист** – гулчилик соҳасининг мутахассиси (интеръерни гул билан безатиш), гулдаста ва шунга ўхшаш бошқа буюмларни тайёрловчи.

**Флористик шимғич** – намликни яхши сингдириб, уни узоқ муддат сақлаб турадиган капилляр хусусияти бор, сунъий ғовакли материал. Шунингдек пиафлор, оазис сифатида маълум.

**Шийпон** – турли шакл ва материалдан қурилган бостирма.

**Шпалера** – маълум бир шаклни бериш учун дарахт новдалари боғланадиган ёки ўсимликлар чирмашадиган маҳсус қалқон ёки панжара.

**Экстеръер** – сиртқи шакл, иморатнинг ташқи кўриниши, фасад.

## 1-ИЛОВА

Қозғистон дизайнерлари



Балнур Асанова





Қуралай Нуркадилова





Аида Кауменова





Ая Балани





Айгүл Қосимова





Лария Джакамбаева



## 2-ИЛОВА

Құлда ясалған аксессуарлар









## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Қасенова К., Шкляева С. Кілем мен тұскілем тоқып үйренеміз. Учимся ткать ковры и гобелены. – Алматы, 2009.
2. Казахские ковры. Альбом из серии «Памятники культуры Казахстана». Сост.: Г. Бакирова, Н. Ажарова. – Алматы: DIDAR, 1998.
3. Капекова Г. А. Өрнек жолы – Путь орнамента – Ornament's way. – Алматы: Асыл Сөз, 2014.
4. Крижановская Н. Я. Основы ландшафтного дизайна. – Ростов н/Д: Феникс, 2005.
5. Павленко Л. Г. Ландшафтное проектирование. Дизайн сада. – Ростов н/Д: Феникс, 2005.
6. Разумовский Ю. В., Фурсова Л. М., Теодоронский В. С. Ландшафтное проектирование: учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2014.
7. Рачицкая Е. И., Сидоренко В. И. Моделирование и художественное оформление одежды. – Ростов н/Д: Феникс, 2014.
8. Справочник дизайнера декоративно-прикладного искусства / под общ. ред. Л. Р. Маиляна. – Ростов н/Д: Феникс, 2014.
9. Негізгі орта білім беру деңгейінің 5–9-сыныптарына арналған «Көркем еңбек» пәннен жаңартылған мазмұндағы үлгілік оқу бағдарламасы. – Астана: ҰІ. Алтынсарин атындағы Ұлттық білім академиясы, 2016.
10. Тыныбеков Құрасбек: альбом / құрастыруши автор Е. Ералы. – Алматы: Өнер, 2007.
11. Такишева Г. А., Асанова Б. Е. Моделирование и художественное оформление одежды. Учебник. – Астана: Фолиант, 2008.
12. Труханова А. Т. Технология мужской и женской верхней одежды: учебник. – М.: Высш. шк., 2003.

## ҚҰШИМЧА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Васильченко А. А. Панно и gobelenы в нетрадиционной технике. – М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2004.
2. Горяннова О. В. Стильная бижутерия своими руками. – Ростов н/Д: Феникс, 2005.
3. Гусева А. Г. Нетканый gobelen или вышивка петлей. – М.: Культура и традиции, 2007.
4. Захарченко И. Моделирование и художественное оформление прически. – Астана: Фолиант, 2010.
5. Ландшафтный дизайн: планы, идеи, советы. – СПб: Питер, 2010.
6. Настольная книга домашнего визажиста. Серия «Хит сезона». Автор-составитель И. Залевская. – Ростов н/Д: Феникс, 2003.
7. Моне А. Каталог вечерних причесок и визажа + 20 модных аксессуаров. – Ростов н/Д.: Феникс, 2005.
8. Прически для праздников и особых случаев XXI века. – М.: ЭКСМО, 2006.
9. Силаева М. А. Пошив изделий по индивидуальным заказам. – М.: Академия, 2004.
10. Уталишвили Н. А. Эксклюзивный gobelen: Техника. Приемы. Изделия: Энциклопедия. – М.: АСТ-ПРЕСС КНИГА, 2009.
11. Харди С. Коврики своими руками / Пер. с англ. А. Е. Гончаровой. – М.: Мир книги, 2005.